

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ



42 (207) ● 2012 йил 17 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ЮРТИМИЗ ўзининг мард ва жасур, интеллектуал салоҳиятли, келажак сари шахдам қадам ташлаётган ёшлари билан доимо фахрланган ҳамда уларга кенг шароитлар яратиб берган. Мазкур имкониятлар самарасини биз Олимпиада ўйинлари, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида юрдошларимиз ғалабалари мисолида кўриб турибмиз.



ТОЗА ИПАК, табиий бўёқлар ва қўл меҳнати эвазига яралдиган мазкур ўзига хос санъат намунаси тайёр ҳолга келгунга қадар бир йилгача вақт сарфланади. Шу боис ишлаб чиқаришга қасанчиларни жалб қилиш корхонанинг иқтисодий режаларини ўз вақтида амалга ошириш имконини бермоқда.



БУНДАЙ тадбирлар фотобиеналени янада бойитди. Чунки, бу ёш ижодкорларнинг профессионал ўсишига ёрдам берибгина қолмай, уларни эзгуликка ҳам чорлайди.

3 ПАРТИЯ ХАЁТИ

5 МАЪНАВИЯТ

8 КЎЗГУ

● **ХАБАРЛАР**

**Халқаро ҳамкорлик самараси**

Бухорода ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагогик кадрларни тайёрлаш жараёни самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти ва Германия халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Россия, Қирғизистон, Қозоғистон таълим муассасалари вакиллари, вилоятдаги қатор касб-хунар коллежлари, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари иштирок этди. Семинар чоғида "Касбий таълим соҳасида хорижий тажриба" лойиҳасини амалга оширишда эришилган ютуқлар таҳлил этилди. Бундан ташқари, ҳозирги замон касбий таълим ўқитувчисининг моделини ишлаб чиқиш каби масалалар атрофида муҳокама қилинди.

**"Экспомарказ" кўргазмага шай**

17-18 октябрь кунлари пойтахтимизда VIII халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ўтказилади.

2005 йилдан буён ўтказилаётган мазкур ярмарка самарасида ўзбек пахта толасига халқаро бозорда қизиқиш тобора ортиб бораёттир. Илк ярмаркада дунёнинг 30 мамлакатидан 170 нафар вакил қатнашган бўлса, ўтган йили 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатётган 330 компаниянинг 660 нафардан ортиқ вакили таширф буорган эди. Жорий йилда уларнинг сони янада ортиши кутилмоқда. Ярмарка доирасида миллий матоларимиздан тикланган либослар намойиши, ҳамкорлик шартномаларини тузиш, тақдирот маросимларини ўтказиш кўзда тутилган.

**Маданият ва санъат равнақи йўлида**

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида маданият ва санъат соҳасида юксак малакали мутахассислар тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини оширишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳуқида маърифат алоҳида эътибор қаратилмаёттир. Анжуманда ёшлар тарбиясида маданият, санъат ва таълим уйғунлиги, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида таълим-тарбия сифатини янада ошириш, "устоз-шогирд" аъёнларини кенгайтириш, маданият ва санъатни ривожлантириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

● **МУНОСАБАТ**



**Эътибор ва ғамхўрлик ифодаси**

Мухтарам Президентимиз асарлари, нуфузли тадбир-йиғинлардаги сўзлаган нутқлари ва оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларида ёш авлодни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама етуқ инсонлар этиб тарбиялашнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади. Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида ҳам ёш авлод тарбияси, уларнинг баркамоллик билан вояга етишиши учун юксак эътибор ва ғамхўрликни яна бир бор ифода этиб "Барчамиз бугун чуқур англаб олдик — фақатгина замонавий, мустақил фикрлайдиган, жаҳоннинг манаман деган мамлакатларидаги тендошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга кўтаришга қодир бўлади", дея алоҳида урғу бердилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун янада қулай шарт-шароит яратиш, жаҳон ва китъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли спортчиларни тайёрлаш, спортнинг оммавийлигини таъминлашга устувор масала сифатида қараб келинмоқда.

2-бет

● **АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКISTON МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА**

**Маърифат байрами**

Жорий йилнинг 29 октябрь — 2 ноябрь кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Infolib — 2012" миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзархив» агентлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу муғолаа ва заковат байрамига қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни юксак билимли ва салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларни миллий менталитетимиз учун ёт ғоялар, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан ишончли ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси учун муҳташам бино барпо этилиб, китобхоналар учун замонавий қулайликлар яратишга алоҳида эътиборнинг амалий ифодасидир.

Мазкур зиё масканида бўлиб ўтаётган «Infolib — 2012» миллий ахборот-кутубхона ҳафталигидан кўзланган асосий мақсад халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб этиш, уларнинг ахборот-коммуникация соҳасига доир билим ва

кўникмаларини мустаҳкамлаш, маърифат масканлари фаолиятини янада ривожлантиришдан иборат.

Бугунги кунда 6,5 миллиондан зиёд китоб захирасига эга ушбу кутубхона 25 мингга яқин китобхонга хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш ва адабиётларни бериш, ўқиш заллари, маълумотнома-ахборот хизмати кўрсатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий ахборот-кутубхона фондларига уланиш, сканерлаш ва рақамлаштириш, миллий библиография маълумотлари базасини шакллантириш каби йигирмага яқин хизмат турлари мавжуд.

— Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор самарасида маърифат масканимиз фаолияти тубдан ўзгарди, дейди кутубхонанинг ўқиш заллари хизмати раҳбари Умида Тешабоева. — Соҳага жорий этилаётган илғор ахборот-коммуникация технологиялари зарур адабиётларни, турли маърифий ахборотларни жуда қисқа фурсатда излаб топиш имконини беради.

2-бет

● **ТИЛ — ХАЛҚ БОЙЛИГИ**

Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.

Ислам КАРИМОВ

**Миллат руҳининг кудрати**



Бундан йигирма уч йил муқаддам — 1989 йилнинг 21 — октябрь кунлари қарий бир ярим асрлик қарамликдан сўнг, Юртбошимиз ташаббуси, жонқуярлиги туфайли она тилимизнинг давлат тили деб эълон қилинганлиги миллимиз ва Ватанимиз тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзишга арзигулик том маънодаги буюк воқеа бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, сал кам бир юз эллик йилдан кейин рўй берган бундай мўъжизани бугун осмонни қоплаган қоп-қора булутлар бағрини ёриб чиқиб, оламни мунаввар этган кўёшга менгзаш мумкин.

Истиқлол йилларида ўзбек тилининг нуфузини ошириш борасида мамлакатимизда жуда катта ташкилий-амалий ишлар қилинди. Айниқса, унинг давлатимиз байроғи, герби, мадҳияси-ю, Конституцияси билан бир сафда туриши ҳамда қонун билан ҳимоя қилинган тимсолга айланганлиги, шунингдек, ўзбек тили равнақи бағишланган кўплаб илмий, бадиий ва публицистик асарлар яратилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан тайёрланиб, нашр этилган беш жиллик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" каби фундаментал ишлар диққатга сазовордир. Бундай хайрли ишларнинг давом эттирилаётганлиги эса гоётада қувонарлидир.

5-бет

● **ЖАРАЁН**

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ислохотлар негизда инсон манфаатлари ётади. Ушбу ислохотларни бир маромда амалга ошириш ва давомийлигини таъминлаш жамиятдаги мавжуд механизм ва воситалардан оқилона фойдаланиш заруриятини кўрсатади. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган, мақсадли ижтимоий муҳофазалашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи — маҳалланинг иштирокини янада қучайтиришни тақозо этади.

**Маҳалла тизимида ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ**

**МОДИЙ ЭХТИЁЖ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ**

Чунки, маҳалла ижтимоий бошқарув тизимининг бошқа таркибий қисмларига қараганда тегишли ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолига яқинлиги, уларнинг турмуш даражаси, ижтимоий-иқтисодий аҳоли ҳақида тўлиқ маълумотга эгалиги билан ажралиб туради.

5-бет

**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**  
 Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

## МУНОСАБАТ

### Эътибор ва Ғамхўрлик ифодаси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аввало ёш авлод оғига соғлом турмуш тарзини сингдириш, уларда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш, миллий қадриятларимиз ҳисобланган миллий ўйинларни қайта кашф этиш ва уни жаҳон ареналарига олиб чиқиш, шунингдек, соҳани ривожлантириш орқали мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги маъқеини янада ошириш каби вазифаларни қамраб олади. Таълим-тарбия, спорт соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар замирида спортни оммалаштириш, янги-янги истеъдодларни юзага чиқариш, пировардида жисмонан бақувват авлодни шакллантириш ўз аксини топган.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида Болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустахкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Қишлоқ-юйлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда Болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусика ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари белгиланган вазифаларни амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1500 дан зиёд замонавий болалар спортини иншооти барпо этилиб, улар энг сўнгги зарур хизмат ва анжомлар билан таъминланганлиги берилётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий тасдиғидир. Замонавий қурилган умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари, олий

таълим муассасаларида ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун спорт заллари, бассейнлар қурилди ва жиҳозланди. Бунинг ижобий самараси ўлароқ мамлакатимизда барча спорт турлари жадал ривожланиб бормоқда. Юртимиз спортчилари Жаҳон, Олимпиада, Осиё қитъаси мусобақаларида муносиб қатнашмоқда.

Пойтахтимиздаги замонавий, гўзал ва бетакрор «Бунёдкор» спорт комплексининг фойдаланишига топширилиши Президентимизнинг «дунёдаги энг замонавий спорт масканларидан кам жойий йўқ, йирик халқаро турнирларни юқори савияда ўтказишга мослашган бу буюк иншоотга боқиб, биз ким эдик, бугун ким бўлдик, мустақил бўлиб тараққиёт йўлида нималарга, қандай юксак марраларга эришдик, деган шукроналик ҳиссиёти қалбимизни тўлдирди» каби фикрлари ҳаммамизга гурур бағишлайди, ёшларимизни эса спорт соҳасида юксак марраларга эришишга ундайди.

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари талабалари, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тиббий кўриқдан доимий ва тўлиқ ўтказилиши таъминланмоқда, соғломлаштириш гуруҳлари фаолият юритмоқда, талабалар ва ўқувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати ташкил этилган. Мактабгача таълим муассасаларининг спорт майдончаларини талаб даражасига келтириш ва жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иختисослашган спорт мактаблари тармоғи кенгайтирилмоқда, туман, шаҳарларда иқтидорли болалар спорт марказлари ташкил этилган. Бундай спорт марказларига ёшларни, айниқса, қизларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий ўқув юртлиари, ўрта махсус ва касб-хунар, халқ таълими муассасаларига услубий ва амалий ёрдамни кучайтириш, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимида ўқитувчи-мураббий кадрлар тайёрлаш, таълим муассасалари ўқувчиларини жисмоний тарбия дарсликларини, ўқув қўлланмаларини билан тўлиқ таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташки-

лотларнинг ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги иштироки кучаймоқда.

Ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш мақсадида нафақат шаҳарларда, балки олис ва чека қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари, кўплаб марказлар ва секциялар, спорт комплекслари ҳамда заллари фаолият кўрсатмоқда. Мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», талабалар иштирокида «Универсиада спорт» ўйинлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Болалар ва ёшларнинг спортга жалб қилиш бўйича дунёда ўхшаши йўқ уч босқичли тизим нафақат етук спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш мактабига, айни вақтда жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омилига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Спорт курашлари бўйича иختисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам айни шу мақсадга йўналтирилган. Шу кунга келиб болалар спортини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланиб бормоқда. Ёшлар орасида спорт билан мунтазам шуғулланувчилар 35 фоизга, қизлар ўртасида 32 фоизга ўсганлиги бу ҳаракатларнинг амалий тасдиғидир. Бу эса соғлом авлод тарбияси ҳамда ёшларимизнинг жисмонан бақувват бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мутлақ соғлом болалар кўрсаткичи кейинги олти йил ичида 52 фоиздан 63 фоизга ўсди. Бугунги кунда «Ўзбекистон спорт мамлақати» «Ўзбекистон футбол мамлақати» каби тушунчалар дунёга таралмоқда. Спортчиларимиз дунёнинг энг нуфузли мусобақалари ғолиби бўлмақдаки, бу мамлақатда яратилётган шарт-шароитлар, спортни ривожлантиришга бўлган эътибор самарасидир.

**Абдуғафур МАМАТОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси,**  
**ЎЗМТДП фракцияси аъзоси**

## АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Infolib — 2012» маърифий ҳафталигида ҳам замонавий ахборот-кутубхона имкониятлари ҳақида китобхонлар, айниқса, ёшларни бохабар этиш, уларни мавжуд қулайликлар билан яқиндан таништиришга алоҳида эътибор қаратилди.


Ҳафталик доирасида таниқли ёзувчи ва шoirлар, мусаввир ва режиссёрлар, маданият ва санъат намояндлари, жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди. «Кутубхона: замон ва макон оша» дара суҳбати ҳамда «Фойдаланувчилар сари яна бир қадам» мавзусидаги конференция ахборот-кутубхоначиларнинг ривожлантириш, бу йўналишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

## ЎҚУВ-СЕМИНАР

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Фарғона вилоят Кенгаши томонидан «Сайловчилар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда партия вилоят Кенгаши аъзолари, ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия кўмитаси девони ходимлари, «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти» етакчилари, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этиди.**

Таъкидланганидек, юртимизда кечаётган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш ва шахс сифатида ўз салоҳиятини намойиш қилишлари, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини

## Маърифат байрами



Кутубхонадаги китоблар музейига ташкил этиладиган экскурсия ёшларни нодир ва қадимий адабиётлар билан таништиради, нашриёт ва китоб савдоси соҳасидаги ташкилотлар иштирокидаги кўргазма-ярмарка янги китоблар, альбомлар, турли босма нашрлар ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш им-

конини беради. Китобхонлик байрами доирасида ўқувчи-ёшларнинг билиминини бойитиш, китобхонлик кўникмаларини ривожлантиришга оид маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилиши мавқуфда кўргазма-ярмарка янги китоблар, альбомлар, турли босма нашрлар ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш им-

«Адабиёт билимдони», «Музыка санъати билимдони» каби ижодий танловлар, «Буюртма - 2013» маърифий акцияси, янги асарлар тақдими, кутубхона видеофондидаги фильмлар намойиши маърифат ҳафталиги янада ранг-баранглик бағишлайди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

## Сайловчи маданияти

УНИ ЮКСАЛТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Химоялашга кўмаклашиш сиёсий партиялар олдида турган долзарб вазифалардан саналади. Бу борада амалга оширилаётган ислохотларга кўмаклашишни мақсад қилган ЎЗМТДП қатор ўқув-семинарлар орқали фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришни фаолиятининг муҳим йўналишлари сирасига киритган.

Ўқув-семинарда «Сайловчилар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ўрни», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида қўрилган масалалар тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш» каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

— Сайловлар ва сиёсий партиялар — демократия ва сиёсий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади, — деди тадбирда сўзга чиққан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Фарғона вилоят ҳудудий бўлини маси раҳбари М.Алиев. — Бугунги кунгача эришган натижаларимизни сарҳисоб қиладиган бўлсак, истиқлол шарофати билан юртимиз талланган йўлдан

дадил қадам ташлади ва ҳар иккала тушунчанинг ўзимизга хос ва мос қирраларини намойиш эта олди. Таъкидлаш жоиз, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим мезонларидан бири бу — фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, хусусан, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши ҳисобланади. Мазкур фаолиятнинг самарали амалга оширилишида муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловлар уларнинг фуқаролик позициясини намойиш этишининг самарали йўлидир.

Шунингдек, маърузачилар мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий мезорларнинг нечоғли демократик руҳда эканини намойиш этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-ирода-сини эркин ифода этиши, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлган сайловлар ҳақидаги маълумотга эга бўлиш ва иқтисодий воқеаларнинг ҳақиқатини янада ривожлантиришда амалга оширилиши кўзда тутилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шоҳида МИРЗАЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

ловолди жараёнларда, балки доимий тарзда сиёсий партиялар ва депутатлар фаолияти, улар томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар билан танишиб боришлари ва сайловларда ўз танловларига таяниб иш қўришлари лозимлиги эътироф этилди.

— Кузатувларимиз шуни кўрсатадики, бугунги ёшлар сиёсий жараёнларга бефарқ эмас, — деди ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси Н.Абдухалиқова. — Биз бунга партия томонидан ташкил этилаётган тадбир, давра суҳбатларида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги фикр-мулоҳазаларида гувоҳ бўламиз. Аҳоли сиёсий маданиятининг кундан-кунга юксалиб бориши, шубҳасиз, кейинги сайловлар жараёнини эркин ифода этиши, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлган сайловлар ҳақидаги маълумотга эга бўлиш ва иқтисодий воқеаларнинг ҳақиқатини янада ривожлантиришда амалга оширилиши кўзда тутилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шоҳида МИРЗАЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

**Мустақиллик йилларида барча соҳаларда ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш натижасида салмоқли натижалар қўлга киритилмоқда. Жумладан, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган мураккаб жараёнлар ва салбий тенденциялар шароитида ривожланишнинг «Ўзбек модели» ўзининг ишончли ва самарали эканлигини исботлади. Эришилган ютуқларимиз замирида соҳанинг қонуний базасини мунтазам тақомиллаштиришнинг муҳим аҳамияти касб этмоқда.**

Хусусан, ўтган даврда қабул қилинган 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ҳамда қатор Қарор ва Фармонлар иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустақам ҳуқуқий асос балки, амалга оширилаётган бозор ислохотларининг орта қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон бу ютуқларга мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ишончли бюджет ва пул-кредит тизимини яратиш, ташқи қарзларга таянмасдан иқтисодиётни изчил ривожлантириш, уни фаол диверсификация қилиш, бой табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан ҳамда энг муҳими инсоннинг юқори интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш орқали эришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ис-

тиқлол йилларида амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар чуқур таҳлил қилиниб, эришилган ютуқлар сарҳисоби асосида истиқболдаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Концепциянинг демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналиши бозор муносабатларини тўла таъминлашнинг тўрт асосий жиҳатига, яъни мулк муносабатларини янада тақомиллаштириш ва хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эркинлигини кафолатлаш, рақобат муҳитини яхшилаш ва **бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган**. Айтиш жоизки, кўзда тутилган устувор вазифалар, энг аввало, иқтисодиётни бошқаришни янада эркинлаштиришнинг ҳуқуқий базасини мустақамлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Бу борада бугунгача қатор янги қонунлар қабул қилинди ва

## Қонун лойиҳаси муҳокамада

ЎзЛиДеП ДАВЛАТ АРАЛАШУВИНИ ЧЕКЛАШ, ХДП ЭСА ОҚИЛОНА ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРАФДОРИ

амалдагилари тақомиллаштирилди: «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Хусусий мулкнинг ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмасуви тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунлар шулар жумласига кирди.

Концепцияда илгари сурилган яна бир муҳим соҳа — бу бозор инфратузилмасини жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш ҳамда молиявий хизматлар бозорини янада ривожлантиришдан иборатдир. Бу борада яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси айнан ана шу мақсадга йўналтирилган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат хусусий капитални кенг жалб этган ҳолда хусусий банклар ва молия институтларини ташкил этишга ва улар фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Лойиҳада хусусий банклар ва молия институтлари устав фондининг камида эллик фоизи жисмоний

шахслар маблағлари ҳисобидан, қолгани устав капиталда давлат улуши бўлмаган юридик шахслар маблағлари ҳисобига шакллантирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда. Шу билан бирга қонун лойиҳасининг алоҳида бобларида хусусий банклар ва молия институтлари эркинлигининг кафолатлари ҳамда улар фаолиятини тартибга солиш механизми аниқ равшан акс эттирилмоқда. Айни пайтда хусусий банклар ва молия институтларига бошқа тузилмалар билан тенг имкониятлар яратишга ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тизимини янада кучайтиришга қаратилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурий йўналишларидан келиб чиқиб, парламентдаги фракцияси аъзолари мазкур қонунни тақомиллаштириш юзасидан ўзларининг нуктаи назарларини билдиришди. Жумладан, ЎЗМТДП фракцияси аъзолари партияимиз дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида иқтисодиёт соҳасида илгари сурилган гоя, мақсад ва устувор йўналишлар нуктаи назаридан ёндашиб, мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда яратилган мақбул инвестиция муҳитининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш, маҳаллий инвес-

торлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг янада фаоллашуви, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, миллий хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг янги ҳуқуқий ва иқтисодий воқеалар сифатида хизмат қилишини таъкидлашди.

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракциясининг айрим вакиллари қонун лойиҳасида «давлатнинг хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятига аралашувини чеклаш» лозимлигини ёқлаб чиқмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари эса «ушбу соҳада давлатнинг назорат функцияларини оқилона ташкил этиш керак»лигини илгари суришмоқда.**

Дарҳақиқат, хусусий капиталга асосланган мазкур институтнинг жорий этилиши нафақат маҳаллий сармоядорларнинг фаоллашуви, балки маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг арзон, сифатли ва харидоргир истеъмол товарлари ишлаб чиқаришига кенг имкониятлар яратади. Бу партияимизнинг ушбу соҳадаги стратегик вазифаси бўлган ички истеъмол бозорларимизнинг ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Табиийки ушбу қонун лойиҳаси муҳокамалари чоғида

партия фракциялари томонидан турли хил фикр, мулоҳаза ва қарашлар билдирилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси фракциясининг айрим вакиллари қонун лойиҳасида «давлатнинг хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятига аралашувини чеклаш» лозимлигини ёқлаб чиқмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари эса «ушбу соҳада давлатнинг назорат функцияларини оқилона ташкил этиш керак»лигини илгари суришмоқда.

«ушбу соҳада давлатнинг назорат функцияларини оқилона ташкил этиш керак»лигини илгари суришмоқда. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ушбу қонун лойиҳасида партияимизнинг сайловолди Платформасида кўзда тутилган маҳаллий сармоядорлар учун инвестиция муҳитини янада яхшилашни, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга ва кўп сонли хунармандлар, оилавий тадбиркорлик билан

шуғулланувчиларга молиявий хизматлардан фойдаланишда қатор ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратиши зарурлигига эътибор қаратмоқда.

Гувоҳи бўлаётганингиздек, ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ҳар бир фракциянинг ўз нуктаи назари мавжуд ва шаклланган. Хулоса қилиб айтганда, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасида белгилаб берилувини чеклаш» лозимлигини ёқлаб чиқмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари эса «ушбу соҳада давлатнинг назорат функцияларини оқилона ташкил этиш керак»лигини илгари суришмоқда.

Абдурашид ТҲУТБАБОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ● ЁШЛАР ҚАНОТИ



қўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вази-фалари сирасига киради. Бу борада партия "Ёшлар қаноти" томонидан тур-ли давра суҳбати, ўқув-семинар, учра-шув ва тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Аънавий тарзда ташкил этиб келинаётган мазкур давра суҳбати ҳам ёшларни юртимизнинг та-ниқли ёзувчи, олимлари, санъаткорлар ва спортчилар билан бевосита мулоқот орқали уларнинг дунёқарашини кен-гайтириш, жамият ҳаётида юз бераёт-ган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказишда му-ҳим ўрин тутди. Бугунги мамлакат ва Осиё чемпиони, олимпиада спорт ўйин-лари совриндори билан учрашув ҳам ёшларни ватанпарвар, матонатли бар-камол авлод бўлиб вояга етказишга қўмаклашиши шубҳасиз.

**Баҳодир ОДИЛОВ,  
Тошкент кимё-технологиялари  
институтининг биринчи босқич  
талабаси:**

— XXX Олимпиада ўйинлари соврин-дори Аббос Атоев мисолида юртимиз обрў-эътибори ва нуфузини мустаҳкам-лашда спорт алоҳида аҳамият касб эти-шини англаб етдик. ЎзМТДП томони-дан ташкил этилаётган бу каби тадбир-лар ёшларни ватанпарвар, халқига са-доқатли инсонлар бўлишга ундаши шуб-ҳасиз. Тадбирда олган таассуротлари-миз келгусида ўз соҳамизнинг етуқ мутахассиси бўлишимизда муҳим ўрин тутди, деб ўйлайман.

**Дилафрўз НУРАЛИЕВА,  
ЎзМТДП аъзоси, Тошкент Тиббий  
Академияси талабаси:**

— Спортчиларимиз кўлга киритаётган улкан ютуқлар нафақат биз ёшлар, балки барча юртдошларимиз қалбини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди. Улар билан яқиндан танишиш, самимий суҳбат қуриш, улар эришаётган муваффақиятла-ри сирини билиш, ўрганиш имкони яра-тилганлиги эса кишини икки қарра қувон-тиради. Қолаверса, очик мулоқот руҳида ўтган учрашувлар ёшларни мунтазам спорт билан шуғуланишига ундайди. Ху-сусан, мазкур тадбир воситасида юрти-миз ифтихорлари билан бевосита муло-қот мобайнида спортчиларимиз эришган муваффақиятлар, уларнинг иродаси, ма-тонати ёшларни ўз соҳаларида ҳам юксак марраларни забт этиши мумкинлигини англаб етиш имконини берди.

**Жамил НАОЗОВ,  
ЎзМТДП аъзоси, Ўзбекистон  
Миллий университети  
журналистика факультети  
битирувчиси:**

— Лондонда бўлиб ўтган XXX ёғи Олимпиада ўйинларида юртимиз ша-рафини муносиб ҳимоя қилиб, байро-гини банд қўтариб, мадҳиямиз ян-рашига сабабчи бўлган спортчилари-миз ютуқлари ҳар бир ватандошимиз қалбига фахр-ифтихор туйғуларини ўйғотгани шубҳасиз. Ҳақли равишда Ўзбекистон ифтихорларидан бири Аб-бос Атоев билан учрашув, биз ёшлар онгига миллий гурур, ватанга муҳаббат каби эзгу туйғуларни сингдиришда му-ҳим ўрин тутди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун тенгдошлари-миз нафақат спорт соҳасида, балки жамият ҳаётининг барча йўналишлари-да улкан ютуқларни кўлга киритмоқда. Ушбу тадбир юртимиз шарафини жа-ҳон ареналарида муносиб ҳимоя қилиб келаётган спортчиларимиз тажрибаси-ни ўрганиш, улардан ўрнак олиш имко-нини берди. Партия томонидан олиб борилаётган ишлар ёшларни жипслас-тириш билан биргаликда, ватанимиз тараққиёти ва юксалиши йўлида фаол ҳаракат қилишга ҳизмат қилмоқда.

**Шоҳида ДАМАНОВА,  
Эргаш ХУҲАЕВ,  
"Milliy tiklanish" мухбирлари**

ташкил этилди. Ушбу сай-ҳаракатлар партия заҳира кадр-лар базасини шакллантиришга ҳам ҳизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳудудларни иж-тимий-иқтисодий ривожланти-ришда халқ депутатлари маҳал-лий Кенгашлардаги партия де-путатлик гуруҳлари ва БПТ фа-оллари томонидан қатор ташаб-буслар амалга оширилди. Шу-нингдек, қуйи бўғин фаоллари партия электорати ва ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни йилантиришга масалаларни ўрганиш, халқ де-путатлари туман Кенгаши депу-татларига тақлифлар киритмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъ-минлаш, хунарманд ва оилавий бизнес билан шуғулланаётган фуқароларга тижорат банклари-дан имтиёзли кредит олишдаги муаммолар ўрганилиб, халқ де-путатлари туман Кенгаши депу-татларига тегишли тақлифлар ки-ритилди. Ушбу камчиликлар юза-сидан партия депутатлик гуруҳи мутасадди ташкилотларга депу-татлик сўрови киритганидан сўнг масала ижобий ҳал этилди.

**Камола АБДУВАЛИЕВА,  
ЎзМТДП Андижон  
вилоят Кенгаши  
матбуот котиби**

## Юрт истиқболи ва тараққиётига камарбаста

ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШГА ҚЎМАКЛАШИШ — УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" томонидан мамлакатимизда турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган, ўз истеъдоди билан юксак марраларни кўлга киритаётган ҳамда халқимизнинг гурури ва ифтихорига айланган инсонлар билан туркум учрашувлар ўтказиб келинмоқда. ФИФА рефереси Рашид Эрматов, Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова, Муҳаммадали Абдуқундузов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фатхулла Масъудов ва Хожиақбар Комилов, Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Раҳимиддин Саидов ва Фарҳод Тўраев билан учрашувлар партия ёшларининг кўнгилларидан жой олиб улгурди.**

ри учун Аббос Атоев 2005 йилда "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, 2007 йилда "Эл-юрт хурмати" ордени ва 2009 йилда "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланди.

— Оиламиз аъзоларининг спортга бўлган меҳри ва қизиқиши мени ҳам бу оламга ошно қилган, - деди Аббос Атоев. — Спорт билан мунтазам шуғулланиш асосида ўз олдимига юксак мақсадларни қўя бошладим. Бирин-кетин катта-кичик мусобақалар ғолиби бўлганимда ўзимга бўлган ишонч ҳисси янада орта-верди. Алоҳида таъкидлашни истардим-ки, юртимизда спортга берилаётган эъти-бор, яратилаётган шарт-шароит ва им-кониятлар самараси ўлароқ биз спорт-чилар жаҳон ареналарида ғалаба наши-дасини суриб, байрогимизни банд қў-таришмиз. Бунинг натижаси Олимпиада ўйинларида мен қатори бошқа спортчи-дустларимнинг муносиб иштирокида на-моён бўлмоқда. Олимпиадада иштирок этиш ҳар бир спортчи учун бахт, шу билан бирга, унга алоҳида масъулият юклайди. Боиси спортчи мусобақага от-ларан экан, унинг ортида халқ ва она юрт турганини ҳис қилиб, улар ишончини оқлаш учун ғалабага интилади.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП "Ёшлар қано-ти" томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбирлар эл ардоғида бўлган юртдошларимизни партия сафига яна-да кўпроқ жалб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни улар тисмолида вояга ет-казиш, ифтихорларимиз ёрдамида ёшларни билим олиш, спорт билан шуғулланиш, бўш вақтларини мазмун-ли ўтказишга тарғиб қилиш, халқаро майдонларда Ватанимиз байрогини юқори кўтарганидан, юртга содиқ фар-зандларнинг камол топишига ҳизмат қилиши шубҳасиз.

**Хусниддин РАҲАБОВ,  
ЎзМТДП Марказий Кенгаши  
Ижроия Кўмитаси девони ёшлар  
масалалари бўлими бошлиғи:**

— Иқтидорли, истеъдодли, ташаб-бускор ёшларни ҳар томонлама қўлла-б-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаолли-гини ошириш, сиёсий, ҳуқуқий билим-ларини юксалтириш, маънавий етуқ баркамол авлодни вояга етказишга

солида кўриб турибмиз. Таъкидлаш жо-изки, бугунги кунда ЎзМТДПнинг 130 минг нафарга яқин аъзоси мавжуд. Шун-дан 65 мингга яқини ёшлардир. Демак, партия аъзоларининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи ёшлар орасида бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши, ёш авлод вакилларида Ватанга муҳаббат ва ўзига бўлган ишонч туйғуларини шакл-лантириши, шубҳасиз, - деди нотиқ.

Давра суҳбатида спортни ривожлан-тириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юртимизда ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол ав-лодни вояга етказишга ҳизмат қилаёт-гани, миллий спорт турларининг риво-жи, юртимизнинг чека ҳудудларида спорт иншоотлари қад ростлагани ҳамда барча спорт турлари қатори бокс-ни ривожлантиришга ҳам алоҳида эъти-бор қаратилаётгани натижасида кўп-лаб истеъдодли спортчилар кашф этилаёт-гани эътироф этилди. Бокс бўйича Ўзе-бекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Атоев улардан биридир. У 2004 йилда Жанубий Кореяда ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида брон-за, Туркияда талабалар ўртасида ўт-казилган жаҳон чемпионатида эса кумуш медал соҳиби бўлган. 2007 йилги Осиё чемпионатида, АҚШ ва Италиядаги жаҳон чемпионатларида олтин, 2010 йил Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёғи Осиё ўйинларида кумуш медални кўлга киритди. Олимпиада ўйинлари, Осиё ўйинларидаги иштироки, Ватанимизнинг халқаро миқдосдаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, боксни ривожлантиришдаги ҳизматла-

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт иш-лари вазирлиги ва Бокс федерацияси ҳамкорлигида "Ўзбекистон ифтихорла-ри" ёшлар даврасида мавзусидаги давра суҳбати ҳам ёшлар учун қўйил-манган таассуротларга бой бўлди. Боиси партия "Ёшлар қаноти" аъзолари "Ўзе-бекистон ифтихори" фахрий унвони соҳи-би, бокс бўйича XXX ёғи Олимпиада ўйинлари бронза медали совриндори Аббос Атоев билан учрашиб, эркин мулоқот олиб бордилар.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Махлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Ма-даният ва спорт ишлари вазирлиги ва Бокс федерацияси вакиллари, "Ёшлар қаноти" етакчилари ҳамда спортсевар ёшлар иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДПнинг Олий Мах-лис Қонунчилик палатасидаги фрак-цияси аъзоси А.Маматов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Истиклол йилларида барча соҳа-ларда бўлгани каби спорт йўналишида ҳам улкан ютуқлар кўлга киритилмоқда. Бу ютуқларни эса юртининг ҳақиқий ўғил-қизлари олиб келишмоқда. Дарҳақиқат, юртимиз ўзининг мард ва жасур, интел-лектуал салохияти, келажак сари ша-дам қадам ташлаётган ёшлари билан доимо фахрланган ҳамда уларга кенг шариоитлар яратиб берган. Мазкур им-кониятлар самарасини биз Олимпиада ўйинлари, Осиё ва Жаҳон чемпионатла-рида юртдошларимиз ғалабалари ми-

## ● БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

# Қуйи бўғин ва депутатлик гуруҳи

ҲАМКОРЛИГИ ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

— Юртимизда амалга ошири-лаётган ислохотлар жараёни, қонунлар ҳамда давлат дастур-лари моҳиятини сайловчиларга етказиш орқали уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий ма-даниятини юксалтиришга қўмак-лашиш олдимида турган усту-вор вазифалардан ҳисобланади, - дейди ЎзМТДП Андижон ви-лоят Хўжаобод тумани Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Мада-минов. — Бу борада бошланғич партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-ларга сайланган депутатлар зим-масига алоҳида масъулият юкла-нади. Шу боис партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан қуйи бўғинлар ва депутатлик гуруҳла-ри фаолиятини янада жонланти-ришга қаратилган қатор ўқув-се-минарлар ташкил этилмоқда. Сай-ҳаракатлар натижасида маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДП-дан сайланган депутатлар ҳамда

бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида сезиларли силжиш-лар кузатишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туманда 500 нафардан ортиқ ЎзМТДП аъзосини бирлаштирган 24 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Жумла-дан, туман марказий шифохо-наси, "Солипи", "Хидирша", "Бешқарам", "Узункўча" маҳал-ла фуқаролар йиғинлари ҳамда "Тумарис мерослари" ўқув-мар-кази қошида ташкил қилинган қуйи бўғинлар ЎзМТДП дасту-рий мақсад ва сайловолди Плат-формасида белгиланган вази-фаларни жамоатчиликка ет-казишда фаоллик кўрсатмоқда. Хусусан, "Тумарис мерослари" ўқув-маркази қошида тузилган қуйи бўғин етакчилари партия электорати манфаатларини таъ-минлаш, уларни йилантираёт-ган масалаларни бартараф

моқда. Хусусан, ЎзМТДП туман Кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари бил-лан ҳамкорликда қатор тарғи-бот тадбирлари ўтказилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ўқув-марказида ёшларга тикув-чилик, ҳамширалик, пазанда-чилик, хорижий тилларни ўр-ганиш, сувинерлар тайёрлаш, сартарошчилик ҳамда касмето-логия каби 12 та йўналишда са-боқ берилмоқда. Бу ерда таш-кил этилган бошланғич партия ташкилоти эса йигит-қизлар-нинг сиёсий, ҳуқуқий билимла-рини янада кучайтириш, жами-ят ҳаётида рўй бераётган ижти-моий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик туйғусини шакллан-тиришга қўмаклашмоқда.

— Фаолиятимизда партиямиз сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган мамлакат ва халқи-миз манфаатларини қўлайди-ган баркамол авлодни тарбия-

## ● ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

# Фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш

ПАРТИЯ ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги ҳамда она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳада эришилаётган ютуқлар самараси ўлароқ, аҳоли саломатлиги йил-дан-йилга яхшиланиб, юртимизда соғлом фарзандлар вояга етмоқда.

ЎзМТДП Хўжайли туман Кенгаши томонидан ўтказилган «Оналик ва болалик — давлат ҳимоясида» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам айни масала хусусида сўз борди. Тадбирда ЎзМТДП Хўжайли туман Кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-оилавий поликлиника ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

— Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-оилавий поликлиникада ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ЎзМТДП мақсадларини кенг тарғиб этишда фаоллик кўрсатмоқда, - деди партия Хўжайли туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари С.Қурбанов. — Айниқса, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, ёшларнинг тиббий саводхонлигини юксалтириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида қуйи бўғин томонидан қатор тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур давра суҳбатида ҳам иштирокчилар шифокорлар билан бевосита муло-қот қилиб, репродуктив саломатлик, она ва бола соғлиги, соғлом фар-занд дунёга келтириш ва бу борада давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар борасида муҳим маълумотларга эга бўлишди.

Ташкилотчилар тиббиёт ходимлари иштирокидаги бундай тадбирлар-ни туманнинг чека ҳудудларида ҳам ташкил этиш лозимлигини алоҳида таъкидлашди.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши ва туман Маънавият тарғиботи бўлими ҳамкорлигида "Маънавиятга таҳдид - ўзлгимизга таҳдид" мав-зусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия Олмазор туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси ходимлари, туман маънавият тарғиботи маркази ва-киллари ва партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Олмазор туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси М.Юнусов кириш сўзи билан очди:

— «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига таъкидланганидек, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, Қуроли Кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламнинг дахлсизлигини асраш, таҳдидлар-нинг олдини олиш учун биз нималарга таяниб-суюниб иш олиб бориши-миз керак, деган савол ҳаммамизни ўйлантиради. Дарҳақиқат, барчани ўйлантираётган бу масалага жиддий ёндашиш керак. Шу боис партия Кенгашимиз жойларда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оши-риш, уларни ватанпарварликка қорлаш ва турли ёт ғояларга алданиб қолмасликлари учун улкан мафқуравий иммунитетни кучайтириш бора-сидаги тадбирларни мунтазам ташкил этмоқда. Бугун тақдим этилган маърузалар орқали ёшларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларининг ошганлиги уларнинг тадбир якунида билдирган фикр-мулоҳазаларидан яққол сезилиб турди.

Давра суҳбатида маънавий таҳдидларнинг олдини олиш ва ёшларнинг маънавиятини юксалтиришга бағишланган саҳна кўриниши намойиш этилди.

## АНДИЖОН

ЎзМТДП Андижон вилоят ва Булоқбоси туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан "Қадриятлар бешигисан — азиз Ўзбекистоним" мавзусида ёшлар семинари ўтказилди. Унда Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия вилоят Кенга-ши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбир ёшларни мустақил ва ижодий фаолиятга йўналтирувчи бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялаш, улар ўртасида ташаббускорликни рағбатланти-риш, яратувчанлик ғояларини илгари суриш ҳамда ҳаётга тадбиқ этиш, мамлакатда кенаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Семинарни ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси К.Отахонов очиб берар экан, жумладан, шундай деди:

— Юртимизда кўппартиявийлик тизимининг самарали фаолияти партия-миз ишида ҳам яққол намён бўлмоқда. Бу борада, айниқса, ёшлар ташаббускорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Партиямиз "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил қилинаётган тадбирларнинг даярили барчаси ёшлар-нинг сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар ва ислохотлар тўғрисидаги билимларини бойитиш ва айниқса, миллий урф-одат ҳамда қадриятларимизни асраб-авайлашга қаратилмоқда. Эр-тағамиз эгалари яратилаётган кенг имконият ва юксак эътибордан самарали фойдаланиб, юртимизнинг янада гўзал ва обод дийёрга айланиши учун камарбаста бўлишлари шубҳасиз.

Тадбирда "Қадриятлар — боболардан азиз мерос" мавзусида маъру-за қилган партия Булоқбоси туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат А.Исақов, ҳар бир халқнинг ўзлигини намён қилувчи омил — бу унинг урф одатлари, аънава ва қадриятлари, - деди. — Шундай экан, аждодлардан мерос қолган қадриятларга содиқлик, уларни асраб-авайлаш ҳар биримиз-нинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи лозим.

Семинар сўнггида "Ёшлар қаноти" фаоллари ижодиға мансуб миллий хунармандчилик намуналари кўргазмаси ташкил қилинди. Унда миллий урф-одатларимизни акс эттирган хайкалтарошлик, каштачилик, зардўз-лик ва миллий матолардан тикилган либослар намойиш этилди.

## ХОРАЗМ

Партия мақсад ва ғояларини рўёбга чиқаришда халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатларининг ўрни ва роли муҳим. Шу боис Ўзбеки-стон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Депутатлар билан сайловчилар ўртасидаги муносабат-ларни янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

ЎзМТДП Шовот туман Кенгаши томонидан "Партия фаолиятини тако-миллаштиришда депутатлик гуруҳининг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Сайловчилар ва депутат ўртасида самимий муносабат ўрнатилиш, электоратни депутат фаолияти, сиёсий жараёнлар, фуқаролар муносабатларининг натижаси ҳақида хабардор қилиш ва шу орқали партия ғояларининг халқ орасига кириб боришини таъминлаш мақсадида ташкил қилинган давра суҳбатида ЎзМТДП Шовот туман Кенгаши аъзолари, "Катхалъа" ҚФЙ фаоллари ва ёшлар иштирок этди.


Давра суҳбати аввалида халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Илхом Пиров сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган исло-хотлар, партия ғоялари, мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди.

— Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, ёш авлод вакилларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, сиёсий жараёнларда бевосита ёшлар иштирокини таъ-минлаш, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ўзгаришлар жараёни билан чуқур таништириш партиямиз олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради, - деди ЎзМТДП Шовот туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Баҳодир Сапарбоев. — Ташкил этаёт-ган тадбирларимизда бу мавзулар юзасидан атрофлича фикр-мулоҳаза-лар юритилмоқда, фуқароларнинг муаммолари ўрганилиб, уларнинг ечимини тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этилмоқда. Бу эса партиямиз дастурий мақсадларига хайрихоҳ фуқаролар сафининг кен-гайиши ва аъзолар сонининг ошишига имкон яратмоқда.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири**

# ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

## ● ТАРҒИБОТ



## Нуротада туризм янада ривожланади

АНА ШУНДАЙ МАҚСАДДА ЎЗМТДП ТУМАН КЕНГАШИДА ДАВРА СУХБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Истиқлол йилларида юртимизда туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда мамлакатдаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар қайта таъмирланди, янги меҳмонхоналар қурилиб, сайёҳлар учун барча имкониятлар яратилмоқда.**

Нурота тумани бетакрор табиати, беқиёс тарихий обида ва аънаналари билан минглаб сайёҳлар эътирофига сазовор бўлмоқда. ЎЗМТДП Нурота туман Кенгаши томонидан ташкил этилган "Туризм — мамлакат тарққийети муҳим омил" мавзусидаги давра суҳбатида худудда туризм соҳасини янада ривожлантириш, сайёҳлик имкониятларини кенгайтириш масаласига эътибор қаратилди. Унда партия туман Кенгаши ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари Нурота туман Кенгашига

ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, маҳалла фаоллари, соҳага оид ташкилот ва муассасалар ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида йиғилганлар Республика "Хунарманд" уюшмаси туман бўлими аъзоларининг хунармандчилик махсуслотлари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан ишланган худуднинг туристик салоҳиятини намойиш этувчи расмлар кўргазмасини томоша қилдилар.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар туманнинг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш

лоҳиятини ошириш, худудга ташриф буюраётган хоржилик сайёҳларга малакали туристик хизматлар рўйбига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Йиғилишда ЎЗМТДП дастурий мақсад ва гоёларидан келиб чиққан ҳолда соҳа тарғиботи кўламини кенгайтириш, Нурота шаҳрини вилоят туризм марказига айлантириш, партия ходимлари ва халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгаши мизни уйғунлаштирган "Сентоб" туристик мажмуаси қад ростлади. - деди ЎЗМТДП Нурота туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Саттор Фафоров. — Жорий йилнинг ўтган даврида "Чашма" мажмуасига қатор хоржий давлатлардан 300 минг нафарга яқин сайёҳ ташриф буюрди. Ушбу рақамнинг ўзидек худудда туризмни янада такомиллаштириш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу борада партия туман Кенгаши томонидан қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Мазкур тадбир ана шундай эзгу мақсадлар рўйбига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришдек эзгу мақсад йўлида амалга оширилаётган туб ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Эътироф этиш лозимки, фуқаролик жамиятининг муҳим иштирокчиси бўлган сиёсий партияларга мамлакатимизда кечаётган чуқур ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этиш учун барча ҳуқуқий асос ва имкониятлар яратилган.

ЎЗМТДП Фуқрат туман Кенгаши ҳамда тумандаги ҳамкор ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"дан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган

Уралой ТУРДИЕВА, "Millyy tiklanish" мухбири

## ● КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

## Фуқаролик жамияти

УНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁС

**Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда бугун тинч ва осойишта ҳаёт, фаровон турмуш ҳамда барқарорлик ҳукм сурмоқда. Шу боис мамлакатимиз ўз тарққийети сари тобора дадил одимламоқда. Фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, янгича фикрлайдиган, ташаббускор ёш авлод вояга етмоқда.**

ган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" етакчилари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими вакиллари ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам ҳисобланади. Унда илгари сурилган гоё ва қонунчилик ташаббуслари ЎЗМТДП зиммасига янги вазифалар юклади. Хусусан, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонунустуворлигини таъминлаш, фуқароларимиз онгида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда партияимизнинг ҳар бир аъзоси ва барча даражадаги депутатларидан фаоллик ва ташаббускорлик талаб этади.

— Концепция эртанги кун талабларидан келиб чиқадиган, мамлакатимизнинг ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тарққийёт дастуридир. - деди тадбирда сўзга чиққан "Шоимбек" МФЙ раиси М.Узоқов. — Модернизация шундай экан, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида жамиятнинг барча қушларини бирлаштириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиши лозим. Бу борадаги ишларимиз самарадорлигини таъминлашда

ЎЗМТДП билан ҳамкорлигимиз муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давра суҳбатида иштирокчилар Концепциянинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, жамоатчилик орасида тарғиб ва тарғиб қилиш, ёшлар онгига сингдириш борасида туман Кенгаши томонидан амалга оширилган ва оширилажак ишларга ҳам тўхтадилар.

— Жойларда ўзини-ўзи бошқариш органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда Концепция тарғиботида бағишланган қатор давра суҳбатлари, семинар ва тадбирлар ташкил этилди, - деди ЎЗМТДП Фуқрат туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси М.Мадярва. — Мазкур устуворлигини таъминлаш, фуқароларимиз онгида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда партияимизнинг ҳар бир аъзоси ва барча даражадаги депутатларидан фаоллик ва ташаббускорлик талаб этади.

— Концепция эртанги кун талабларидан келиб чиқадиган, мамлакатимизнинг ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тарққийёт дастуридир. - деди тадбирда сўзга чиққан "Шоимбек" МФЙ раиси М.Узоқов. — Модернизация шундай экан, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида жамиятнинг барча қушларини бирлаштириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиши лозим. Бу борадаги ишларимиз самарадорлигини таъминлашда

Тадбир сўнгида ЎЗМТДП аъзолар сонини кўпайтириш, партия фаолиятини жонлантиришда ёшлар фаоллигини янада кучайтириш, улар иштирокидаги тадбирлар савиясини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзаро мулоқотларга бой бўлган давра суҳбатида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Нигора ҚАМБАРОВА, ЎЗМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси

## ● Миллат ифтихори

бўлган полвонлар номини, улар яратган мактабни қайта тиклаш, чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш ва асраб-авайлаш, фахрий спортчиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш орқали ушбу келаётган ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга содиқлик ва ўзига бўлган ишонч туйғуларини камол топтириш мақсадида фаолият юритаётган "Polvonlar milliy ensiklopediyasi" жамияти раҳбари, ЎЗМТДП аъзоси Норқули ЮСУПОВ билан суҳбатимиз миллий спортимизнинг равиши ва ушбу жамиятнинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида бўлди.

— Аввало, "Polvonlar milliy ensiklopediyasi" жамиятининг ташкил этилиши ва унинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида суҳбатлашсак...

— Ҳар бир полвон ҳаётини мангу ва гурӯҳор бинога қиёслашмайди. Полвонлик пойдевори унинг гурури ва ор-номусидан иборат. Зотан, миллий гурур, орият ва шаън унинг бутун кадрлик қиммати билан белгилади. Жумладан, ўзбек полвонлари азалдан ўз ориятини миллат ори, ўз шаънини миллат шаъни билан боғлаган ҳолда майдонга тушади, мусобақаларда гурур ва орият учун беллашади. Натихада мамлакат ва халқаро спорт майдонларида ғолиблик шохсупасига кўтарилиб, эл-юрт олқисига сазовор бўлади. Шунда у ўзининг маҳобатли ва мустаҳкам полвонлик биносини тиклайди. Бундай пойдевори мустаҳкам бўлган бино абадий туради ва миллат қиёфасини ўзида мужассас этади. Ҳар қандай бино вақт ўтиши билан таъмирлаб турилиши шарт. Полвонлик биноларини таъмирлаш

## ● ҲАМКОРЛИК

## Полвонлар

МИЛЛАТ ҒУРУРИ, ИФТИХОРИ ВА ОР-НОМУСИ

учун унинг тарихини ўрганиш, аънаналарини давом эттириш, бойитиш зарур. Полвоннинг қадриятини эъзозлаш, эслаш ва улуғлаш ушбу бино маҳобатини оширади, мазмунини бойитиши, келажак авлод учун мерос бўлиб қолади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақиллик йилларида спортни ривожлантириш ва уни жойларда оммалаштиришга бўлган эътибор, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбек спортининг нуфузи тобора ошиб, спортчиларимиз эришаётган юқори натижалар дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Бирок, ҳаётнинг яна бир ҳақиқати борки, нафақат мамлакатимиз, балки жажон спорти тарихига муҳрланган баҳодир полвонларимиз номи, эришган ютуқлари ҳам агар эътибор қаратилмаса, ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдирилмас, вақт ўтиши билан аста-секин унутилиб боради. Бу эса миллий қадриятларимиз ва маънавиятимиз ривож, бу борада орттирилган тажриба, маҳорат ва юртимиз спорти мавқеига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида 2009 йил август ойида "Polvonlar milliy ensiklopediyasi" жамияти ташкил этилди. Жамиятимизнинг асосий мақсад ва вазифаси, авваламбор, катта спорт майдонини тарқ этганидан сўнг номи унутилиб бораётган буюк яккакураш полвонлари номини қайта тиклаш ва тарихга муҳрлаш, уларнинг бой тарихий меросини ёшлар онгига сингдириш, шу орқали ёш авлод қалбига Ватанга садоқат, ўзига ишонч, спортга муҳаббат туйғуларини уйғотиш, Ўзбекистонда спортнинг яккакураш турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, фахрий спортчиларни улуғлаб, уларни моддий, маънавий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича жамиятимиз томонидан кўплаб амалий ишлар йўлга қўйилди. Халқимиз полвонларининг бой тарихий меросини ёшларга етказиш ва уларда спортга бўлган меҳрни уйғотиш мақсадида Республикаимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида "Ёш полвонлар" тўғараклари ташкил этилди. Мазкур тўғарак аъзолари ўз худудларидаги машҳур полвонлар номини қайта тиклаб, улар ҳақидаги маълумотлар асосида "Полвонлар бурчаклари"ни ташкил этишди. Шунингдек, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Сиз полвонларингизни биласизми?" кўрик-танлови ҳам юртимизнинг чекка худудларидаги полвонлар ва уларнинг сулолаларини излаб топшишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда яшаб ўтган ва ҳозирда ҳаёт бўлган машҳур полвонларнинг таржимаи ҳоли ва эришган ютуқлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат эксклюзив 14 дона китоб Алишер Навоий номидидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига топширилди.

— Жорий йил Литваниенг Шауляй шаҳрида TAFISA 5-Бутунжаҳон ўйинларида 80 дан ортик давлат қаторида Ўзбекистон илк маротаба миллий халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари намойиши билан иштирок этди. Бундан кейин сиз раҳбарлик қилаётган жамияят TAFISANING барча тадбирларида Ўзбекистоннинг тарихий аънаналари, қадриятлари, миллий ўйинлари, маданияти ва миллий спорт турларини намойиш этиш ҳуқуқига эга

бўлди. TAFISA халқаро ташкилоти ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— TAFISA — спорт ҳамма учун жамиятининг асосий мақсади миллий спорт турлари, аънаналари ва ўйинларни дунё бўйича асраб қолиш ва янгиларини кашф этишдан иборатдир. Мазкур ташкилотта "Полвонлар миллий таъкилопедияси"нинг аъзо бўлиши нафақат жамиятимиз, балки юртимиз учун ҳақиқий гурур ва ифтихор бағишлади. Таъкидлаш жоизки, TAFISA жисмоний фаоллигини халқаро миқёсда тарғиб қилиб, ўз аъзолари учун турли амалий дастурлар ташкил этиб келмоқда. Шундай дастурлардан бири TAFISA халқаро Сертификатланган лидерлик курсларидир. Шунингдек, 2011 йил Лозанна шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Олимпия Кўмитаси йил якулига бағишланган йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари орасида илк маротаба Тошкент шаҳрида халқаро сертификатланган лидерлик курси бўлиб ўтиши бўйича "Polvonlar milliy ensiklopediyasi" жамияти TAFISANING тақвим жадвалига киритилиб, мамлакатимизга юксак ишонч билдирди. Унга кўра, жорий йилнинг сентябрь ойида "Polvonlar milliy ensiklopediyasi" ва Миллий олимпия кўмитаси ҳамкорлигида халқаро сертификатланган лидерлик курслари бўлиб ўтди ва унда Халқаро Олимпия Кўмитасининг етакчи профессорлари томонидан курслар ўтказилди. Мазкур курсни тугатиб, сертификатга эга бўлган мутахассислар ўз давлатида миллий аънана, қадрият ва урф-одатлар, халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини бутунжаҳон TAFISA ўйинларида лидер сифатида намойиш этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Жамиятимиз ҳозирданок 2016 йилда бўлиб ўтадиган 6-Бутунжаҳон ўйинларига фольклор, дорбозлик,

қараптеп каби миллий ўйинлар ва миллий спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлар намойишига тайёргарлик кўрмоқда.

— "Polvonlar milliy ensiklopediyasi" жамияти ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти қандай? Ҳозир партия билан ҳамкорлик алоқалари қай даражада давом этмоқда?

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бизнинг энг яқин ҳамкоримиз ҳисобланади. Боиси ЎЗМТДП ҳам ўз сайловотида Платформада мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятлар, халқимизнинг урф-одатлари ва аънаналарини, бой тарихий меросини асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдиришнинг ўзининг асосий вазифаси сифатида белгиланган. Бизнинг ҳам мақсадиимиз айнан ЎЗМТДП дастурий мақсадларига ҳамроҳлиги боис ушбу партия билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатдик. Меморандум имзоланган мақсадиимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган машҳур полвонларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг устозлари номини абадийлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт соҳасида миллий меросни сақлаш, миллий спорт турлари нуфузини ошириш ҳамда яккакураш спорти бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Шунингдек, жамият томонидан Ўзбекистонда яккакураш турларини ривожлантириш учун берилган тақлифлар асосида Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, таълим муассасалари ва маҳалла ёшлари билан фахрий полвонлар учрашувлари ва давра суҳбатларини ташкиллаштириш бўйича кенг қўламдаги чора-тадбирларни амалга ошираётимиз. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция-

си, Республика Маънавият тарғибот маркази, Шарқяккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, Халқ таълими, Маданият ва эриш ишлари вазирлиги, "Камолот" ЁИХ ҳамда "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилган "Баркамол авлод тарбиясида миллий спорт ўйинларининг ўрни ва аҳамияти" мавзусидаги илмий-амалий конференция ўзбек миллий спорти аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш масалалари билан бирга, миллий спорт турлари бўйича амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш борасида муҳим амалий ишларга қанот бағишлади.

Бундан кейин ҳам партия билан миллий қадрият ва аънаналарни тиклаш ҳамда ёшлар онгига ватанпарварлик, миллий гурур туйғуларини сингдириш ва ўзига бўлган ишончини уйғотиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

— Биламизки, "Polvonlar milliy ensiklopediyasi" томонидан Ўзбекистон Республикасининг яккакураш полвонларини тақдирлаш аънанаси йўлга қўйилган. Айни пайтда мазкур аънана давом этиптими?

— ЎЗМТДП билан ҳамкорликда "Полвон — эл-юрт ва миллатнинг гурури, ифтихори, фахри ва ор-номусидир" мавзусида ташкил этилган анжуманда полвонларимизни эъзозлаш ва уларни тақдирлаш мақсадида "Полвон" биллур соврини, медал ва фахрий ёрлик намуналари ва "Фахрий полвонларни тақдирлаш Кенгаши" Низомий лойиҳаси тасдиқланди. Мазкур ҳайри иш ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Шарқяккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда "Polvonlar milliy ensiklopediyasi" жамияти ҳамкорлигида йўлга қўйилди. "Фахрий" полвонларни тақдирлаш Кенгаши" раиси этиб, ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Турсунов сайланди. Мазкур аънана айни пайтда муваффақиятли давом этмоқда. "Сиз полвонларингизни биласизми?" кўрик-танлови

ғолиблири билан бир қаторда футболнинг тенгсиз паҳлавонлиги билан яккакураш турлари бўйича халқаро майдонларда юксак натижаларга эришган машҳур полвонларни ва сулолавий полвонларимиз оилаларини тақдирлаб келмоқдамиз.

Ўзбекистон Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида ўз даврида миллатнинг куч-қудрати юксалишига катта ҳисса қўшган, полвонлик санъатини юксак даражада ривожлантириб, келажак авлодларга мерос сифатида қолдиришга йирик давлат арбоби, буюк саркарда Амир Темур номини янада эъзозлаш ва амалга оширган ишларини ёш авлодга етказишдаги самарали фаолияти учун Темирурлик тарихий давлат музейи тақдирланди. Чавандозлик ва камонбозликда тенгсиз, жанг майдонини қирқолишчи Тўмарсини ардоқлаш ва унинг ишларини спортчи қизларга ибрат сифатида кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, қиличбозликда ва курашда тенги йўқ моҳир саркарда Жалолиддин Мангубердини ёд этиш ва ёшлар орасидан унинг давомчиларини тарбиялаш мақсадида Хоразм вилояти спорт тарихи ва шон-шухрати музейи ҳамда миллат обрўси учун мардлар майдонида беллашган, шоир ва мутафаккир Пахлавон Маҳмуд номини абадий эслаш мақсадида Хоразм вилояти Пахлавон Маҳмуд музейи ва тенги йўқ полвон Спитаменнинг номини ардоқлаш мақсадида Ўзбекистон шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази тақдирланди. Шунингдек, мамлакатимиз довуғини дунёга танитган ва танитаётган қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг сулоласи биллур соврин, медал ва фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Уйлаймизки, ёш авлод вакиллари ота-боболарининг полвонликда кўрсатган маҳоратларини ўрганиб, ўз тенгдошлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришади ва аждодларга муносиб ворис бўлиб етишадилар.

"Millyy tiklanish" мухбири Шоҳида ДАМАНОВА суҳбатлашди

# МАЪНАВИЯТ

## Самарқанднинг нафис гиламлари

**Мамлакатимизда миллий хунармандчилик анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида санаот миқёсида хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар тобора кўпайиб бормоқда. Самарқанд вилоятидаги «Samarqand Vuxoro irak gilati» кўшма корхонаси улардан бири.**

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан фаолият кўрсата бошлаган корхона халқ амалий санъатининг мураккаб ва бетакрор тури — ипак гилам тўқишга ихтисослашган. Бу ерда йилга 300 метр квадрат харидоргир маҳсулот тайёрланади. Айни пайтда корхонада 125 нафар ишчи нафис, сержило, юз фойз

табiiй хомашёдан тайёрланган ипак гиламларни тўқимокда.

Корхона раҳбари Фурқат Ниёзовнинг айтишича, тоза ипак, табиий бўёқлар ва кўл меҳнати эвазига яраладиган мазкур ўзига хос санъат намунаси тайёр ҳолга келгунга қадар бир йилгача вақт сарфланади. Шу боис ишлаб чиқаришга касаначиларни жалб қилиш корхонанинг иқтисодий режаларини ўз вақтида амалга ошириш имконини бермоқда. Ҳозир корхона касаначиларининг сони 70 нафарга етди. Улар Жомбой, Тайлоқ, Нуробод, Самарқанд туманлари ва Самарқанд шаҳрида яшовчи хотин-қизлардир.

«Samarqand Vuxoro irak gilati» кўшма корхонасига ипак хомашёси Наманган вилоятининг «Водий ипаги», Сурхондарё вилоятининг «Surxon-Termiz Silk», Тошкентнинг «Silver Silk» корхоналари ва «Самарқанд-Сингапур» хорижий корхоналаридан олиб келинмоқда. Нафис ипака ўзига хос жило берувчи табиий бўёқлар ўзимизда етиштириладиган ўсимликлардан тайёрланади.



(ЎЗА) олган суратлар.

### ТИЛ — ХАЛҚ БОЙЛИГИ

## Миллат руҳининг қудрати

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Ўтган давр мобайнида, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзининг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарига, - давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўланиш доираси амалда кенгайган, уни илмий асосда ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, тилимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги лўғатлар кўлаб чоп этилаётгани жамият тафаккурини юксалтиришга ўз хиссасини қўшмоқда.

Айниқса, давлат тилининг халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойлигининг воқисларига сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устура доимий ишлашимиз зарур.

Масалая ана шундай талаб ва нуқтаи назар билан қараганда хали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар йўқ эмас. Бу масалага, айниқса, адабий тил тарбияоти билан шуғулланувчи оммавий ахборот воситалари жиддий эътибор қаратишлари лозим бўлади. Аксар телекўрсатув ва радио эшиттиришлар бошловчилари адабий тил қолдаришга ҳамма вақт ҳам риоя қилаверишмайди. Бу борада, айниқса, нодавлат радио-

лари пешқадамлик қилаётганлигини яшириб бўлмайди. Бундай ҳол ёшларнинг саводхонлиги-ю, нуқт маданияти ривожига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Худди шундай аҳолини “сарик матбуот” ва баъзи бир тармок наشرлари саҳифаларида ҳам кўриш мумкин.

Тил миллатимиз гурури, ори, шаъни-шавкати, фахру ифтихори, руҳининг қудрати. Биз буюқ тарихимизни, миллий қадриятларимизни, эртанги эзгу мақсадларимизни, орзу-умидларимизни она тилимизда ифода қилиш, муқаддас китоб ва манбааларни, аждодларимизнинг бебаҳо асарларини она тилимизда ўқийдиган бахтга муассар бўлганлигимизни, аммо бу бахт ўз-ўзидан келмаганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак! Зеро, тилимизнинг поклигию софлиги, тўғри талаффуз қили-

ниши, ширин ва ёқимли эшитилиши маънавиятими юксаклигининг ифодасидир. Тилимизнинг гўзаллиги — миллатимиз гўзаллиги. Тилимизнинг қудрати- миллатимиз қудратидир. Шу боис она тилимизни мунис ва меҳрибон онамиз алласини севгандек севишимиз, ардоқлашимиз, унинг камоли учун фидойи бўлиб хизмат қилмоғимиз лозим. Зотан, миллат тилининг жозибали, жарангдор, тиник ва раван бўлишига эришимиз, унинг нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки дунё тиллари ичидига обрў-эътиборини оширишга муроғимиз ҳисса қўшишни ўз бурчимиз деб билимоғимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Нуриддин ОЧИЛОВ,**  
Тошкент молия институти катта ўқитувчиси

### ОГОҲЛИК

## Миллий маънавий мерос

УНИ “ЁТ МАДАНИЯТ”ЛАРДАН АСРАЙЛИК

**Инсоннинг жамият ҳаётидаги ўрни моддий бойлиги билан эмас, балки юксак маънавий қийфасига қараб белгиланади. Халқимиз маънавият ва маданият, таълим ва тарбияга оид бой меросга эга. Авлодларимизга асрлар мобайнида инсонпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, биродарлик ва камтарлик каби умуминсоний фазилатлар синдириб келинган. Кўринадики, маънавият — инсонни руҳий покликка ундайди, қалбини имон-эътиқод нурали билан чароғон қиладиган ва юксалтирадиган мезондир.**

Халқ маънавияти — аждодларнинг авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўпник вазифини бажариши. У ота-боболаримизга хос жамки яхши фазилат, хислат, қадрият ва анъаналар мажмуи, қолаверса, аждодларимиз тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва қарашларни ўзида сингдирган.

Бизнинг тарихимиз буюк ва биз Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдуҳалиқ Фихривоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мухаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад ал Фароний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларнинг ворисларимиз. Аждодларимиз умуминсоният хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифат тараққийсига улкан ҳисса қўшган. Темурийлар даврида бунёд этилган қудратли салтанат, муштахам ва мустаҳкам меъморий обидалар бугунги кунда ҳам дунё аҳлини ҳайрат-

га солиб келмоқда.

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга “Авесто”дан тортиб, “Тўмарис”, “Сухайл ва Гулдурсин”, “Ўрхун-Энасой”, “Қобуснома”, “Хидоя”, “Ал-жабр вал муқобала”, “Тиб қонунлари”, “Девону луготит турк”, “Қутадғу биллик”, “Девони ҳикмат”, “Қиссасул-анбийё”, “Ҳазойинул маоний”, “Хамса”, “Бобурнома” сингари улкан маънавий-маданий хазинамизни санаб адоғига етиш мушкул. Асрлар давомида мисқоллаб тўплаган бу маънавий жавоҳиротлар тарихнинг катта қисми ҳисса қўшган. Шу боис, жаҳон адабиётининг тенгсиз дурдоналари сифатида ҳар қанча эътирофга лойиқ.

Халқимизнинг бой маънавий мероси мустабид тузум даврида нафақат яхши ўрганилмади, балки тўғри ва муносиб баҳо берилмади, тескари, асл маънавий моҳиятдан узиб талқин қилинди. Шу боис, истиқлол-

ротни мақсадли равишда излаганини кўрсатади. Айниқса, компьютер ва кўл телефонлари баъзи бир ёшларимиз учун ахлоқсизлик манбаига айланиб қолмоқда. Маълумки, бундай мафқуравий хуружлар ўспириннинг маънавий дунёсига салбий таъсир этмасдан қолмайди. Улардаги меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби миллий маънавий тушунчалар, қарашлар ўрнини ёвуз ғоялар эгаллай бошлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёни ташвишга солаётган чигал масалалар нафақат иқтисодий инқироз, балки маънавий бўшлиқ, ноинсоний ғоя ва таъсирлар туфайли рўй бераётган экан. Жумладан, биргина Норвегиянинг Утёйя оролидаги отишма оқибатида жами 76 киши ҳаётдан кўз юмди, 90 га яқин одам жароҳатланди. Бу жараёнда олиб борилган терговлар натижасида ушбу кўнгилсиз ҳодисанинг бошида норвегиялик Андерс Брейвек тургани аниқланди. Жиноятчининг ҳаёти ўрганилганда, у ота-онасидан ортқ киберхужумлар уюштирилган. Интернет ресурслари орқали фахш, гийёҳвандлик, зуравонлик, терроризм, фашизм, нацизм ва шовинизм каби ёвуз ғояларнинг тарқатилаётгани ҳар қандай ақли расо одамни ташвишга солади. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фойз бола зуравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фойз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлашди. ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровлар эса интернетдан фойдаланадиган болаларнинг 90 фойзи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фойзи бу турдаги ахбо-

ротни мақсадли равишда излаганини кўрсатади. Айниқса, компьютер ва кўл телефонлари баъзи бир ёшларимиз учун ахлоқсизлик манбаига айланиб қолмоқда. Маълумки, бундай мафқуравий хуружлар ўспириннинг маънавий дунёсига салбий таъсир этмасдан қолмайди. Улардаги меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби миллий маънавий тушунчалар, қарашлар ўрнини ёвуз ғоялар эгаллай бошлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёни ташвишга солаётган чигал масалалар нафақат иқтисодий инқироз, балки маънавий бўшлиқ, ноинсоний ғоя ва таъсирлар туфайли рўй бераётган экан. Жумладан, биргина Норвегиянинг Утёйя оролидаги отишма оқибатида жами 76 киши ҳаётдан кўз юмди, 90 га яқин одам жароҳатланди. Бу жараёнда олиб борилган терговлар натижасида ушбу кўнгилсиз ҳодисанинг бошида норвегиялик Андерс Брейвек тургани аниқланди. Жиноятчининг ҳаёти ўрганилганда, у ота-онасидан ортқ киберхужумлар уюштирилган. Интернет ресурслари орқали фахш, гийёҳвандлик, зуравонлик, терроризм, фашизм, нацизм ва шовинизм каби ёвуз ғояларнинг тарқатилаётгани ҳар қандай ақли расо одамни ташвишга солади. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фойз бола зуравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фойз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлашди. ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровлар эса интернетдан фойдаланадиган болаларнинг 90 фойзи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фойзи бу турдаги ахбо-

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**  
“Milliy tiklanish” муҳбири

## Маҳалла тизимида ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

МОДДИЙ ЭҲТИЁЖ ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙГУНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳақида гапирар экан, «маҳаллаларни аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим» лигини алоҳида таъкидлади. Зеро, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тизими аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқ йўналтирилган, мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш билан чегараланмай, уларнинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан чиқиб олишига ҳам ёрдамлашади. Бу мақсадда давлат корхоналари, жамоатчилик ва хусусий ташкилотлар билан муносабатга киришадиган жамиятнинг турли тузилмалари ўртасидаги ижтимоий шерикчиликни янада кенгайтиришга қўлдан кўмаклашади.

Албатта, бу уқулларга мустақилликнинг дастлабки йилларида республика ҳукумати томонидан олиб борилган чуқур изланишлар натижасида эришилди. Зеро, ўша давр ижтимоий ҳимоя тизими чуқур таҳлил этилганда унинг камчиликлари ва ижтимоий самараси етарли эмаслиги аён бўлди ҳамда собиқ тузум давридан мерос бўлиб қолган талай муаммоларга тўқнаш келинди. Бунинг натижасида ўлароқ, кескин қисқарган молиявий имкониятларни тиклаш ва ўтиш даврида зарар кўрган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, ҳақиқатдан муҳтож аҳоли қатламларини аниқлаш ва уларни манзилли ижтимоий ҳимоялашнинг янги асослари, механизмларини ишлаб чиқиш, ижтимоий муҳофазалаш тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи янги муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш, давлат бюджетидан соҳага ажратилаётган маблағларнинг соҳилиб кетишини олдини олиш каби долзарб муаммоларни ижтимоий соҳада сифат жиҳатидан янги бошқича кўтариш зарурлигини кўрсатди. Пировадиди мамлакат келажак истиқболини белгилаб олиш мақсадида ҳукуматнинг стратегик режалари доирасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янги чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва уни амалга оширишнинг самарали механизмлари қидирилди. Бунга кўра, ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишонарли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини манзилли ижтимоий муҳофазалаш тизимига изчиллик билан ўтиш мақсада мувофиқ, деб топилди.

Изданишлар натижасида республика ҳукумати бу муаммолар ечимининг ўзига хос йўлини топ-

ди, яъни давлат ижтимоий муҳофаза ваколатларининг катта қисмини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларга бошқичма-бошқич ўтказиш йўли танланди. Шу мақсадда давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларнинг маблағларидан фаоллик билан фойдаланиш назарда тутилди. Ижтимоий адолат тамойиллиги аниқлаш амал қилинган ҳолда, кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқлигини таъминлаш, уни ҳақиқатдан муҳтож оилаларга бериш, бунга айрим оилалар томонидан боқимандалик муносабатида бўлишга йўл қўймаслик, болаларнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиши, маълумот ва касб даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишда оиланинг маъсул-иятини кучайтириш, нафақа тўлашининг мезон ва мажбурий шартлари белгилаб олинди. Маҳаллада анъанавий шаклланган жамоатчилик фикрига таяниб иш юритиш тажрибаси эса, турли суистеъмоликлар, таниш-билишчилик, исрофгарчилик каби иллатларнинг бартараф этилишига хизмат қилди.

Маҳаллаларнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги фаолиятини янада кучайтириш мақсадида 1992 йил 12 сентябрда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилиб, унинг барча маблағлари қайси манбадан тушганлигидан қатъий назар, аҳолининг кам таъминланган қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида уни сарфлашни назарда тутилди. Жамғарманинг бош мақсад-вазифалари қаторида тегишли ҳудудда ижтимоий-иқтисодий даража ва маданий савияни ривожлантириш, миллий анъаналар ҳамда одатларни бойитишда маҳалла ва унинг аҳолисига ҳар томонлама ёрдам бериш, маҳалла кўмиталари фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш белгилаб қўйилди. Шунингдек, жамғарма ташкил қилинганда маҳалла ҳудудида яшовчи кам таъминланган ва кўп болали оилалар, қариёлар, ноғиронлар, етим-есирлар ва бошқа ижтимоий гуруҳларни ҳар томонлама ҳимоялаш, уларга меҳр-шафқат кўрсатиш кенг тарғиб қилиш, ижтимоий таъминот органлари билан биргаликда бепул табиий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бир марталик моддий ёрдам бериш дастурларини амалга ошириш каби устувор вазифаларни зиммасига олди.

Танланган модел фаолиятини таъминлаш мақсадида унинг қонунчилик асослари яратилди. Хусусан, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ижтимоий соҳада илгари сурилаётган мақсадлар амалиётдаги илк қадамлардан бўлди. Қонун авваламбор, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи — маҳаллаларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади ва улар зиммасига аҳолининг муҳтож қатламларини манзилли иж-

тимоий ҳимоялаш маъсулиятини юкллади.

Бу қадам республикамиз ижтимоий ҳимоя тизими ривожининг иккинчи, юқорида бошқича бўлиб, эндиликда, болалар ва кам даромадли оилалар ижтимоий муҳофазадан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар, уни етказувчи эса — маҳаллалар бўлиб қолди. Бунда аҳоли ҳаёти жамоавий турмуш тарзига асосланганлиги эътиборга олинди. Зеро, юртимизда катта оила бўлиб ўтишга тўғри ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир-бирини қўллаб-қувватлаб ҳаёт кечиртишга ўргатади.

Хулоса қилиб айтганда, тизим фаолияти мамлакатимизда илгари сурилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тамойилларига мувофиқлиги билан ажралиб туради.

Айниқса, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашда маҳалла тизими муҳим ўрин эгаллайди. Яъни, маҳалла аҳоли турмуш даражаси ҳақида етарли маълумотга эга бўлган ҳолда, ижтимоий мададга муҳтож инсонлар арасини ўрганиб, маблағнинг тарқатиши таъминлайди.

Бундан ташқари, маълум ҳудудда доимий истиқомат қилиб келаётган маҳалла йиғинлари раислари ва фаоллари маҳалладашлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Шу боис, ортқ текширувларсиз маҳалладаги муҳтож оилаларга моддий ёрдам тайинлаши ва тўлаши мумкин.

Мазкур тизим муҳтож оилаларга давлат мададини етказибгина қолмасдан, бундай оилаларни муҳтожликдан чиқишига ҳам кўмаклашмоқда. Кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий муҳофазалашда маҳалла фуқаролари йиғинлари давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлардан ташқари, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа манбалардан тушаётган ихтиёрий маблағларни ҳам жалб қилади.

Муҳтож оилаларни моддий ёрдамга даъвогарлик қилиш жараёни маъмурий-буйруқбозлик тизимдан холи бўлиб, янада соддалаштирилган. Бу ҳолат аҳолининг маҳалла кенгашларига бўлган ишончини орттирмоқда. Қолаверса, маҳаллада жамоатчилик назоратининг қучилиши маҳалла йиғинлари фаоллари томонидан маблағни суистеъмолик қилинишининг олдини олмақда.

Хуллас, ижтимоий ҳимоянинг маҳалла тизими фаолиятини тақомиллаштириш ва рағбатлантириш давр талабига мос вазифалардан биридир. Тизимнинг амалдаги фаолияти хорижий давлатларда катта қизиқиш уйғотмоқда ва ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос ечимига эга бўлган «ўзбек модели» сифатида талқин этилмоқда.

**Х.ХУСАНОВА,**  
социология фанлари номзоди

Эълон

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ**  
2012 йил 22 ноябрь куни бошлангич нархи бошқичма-бошқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказадиган

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Юқори-Чирчиқ тумани, Истиқлол Қ.Ф.Й.да жойлашган Тошкент вилояти йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси балансидаги 2005 й. и/ч, д/р 10/101КАА, бошлангич нархи 10 058 400 сўм бўлган «Нексия GLE», 1997 й. и/ч, д/р 10/818КАА, бошлангич нархи 7 860 900 сўм бўлган «Нексия», 1998 й. и/ч, д/р 10/055САА, бошлангич нархи 8 098 800 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фойзи миқдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб рақамга тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқ-

дори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фойзидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг **пайшанба** кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабдорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-А-уй. Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

**Мурожаат учун алоқа воситалари:**  
телефон: 233-23-40;  
телефакс: 233-23-40,  
электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

## ЖАРАЁН

## ● ИМКОНИАТ

## Хорижий инвестициялар

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИНИНГ ГАРОВИ

лар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қўлай инвестицион муҳит яратиш, республика миқтоқларида хорижий сармоя ва замонавий технологияларнинг жалб этилишини рағбатлантириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолат ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2012 йил 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган, янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қончилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳоз-

лаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёри ва қоидаларни қўллаш ҳақи эканликлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқарида зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди.

Фармонга кўра, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятини истисно этган ҳолда республиканинг барча миқтоқларида радиоэлектрон санаяти буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникасига бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, енгил санаят, ипакчилик санаяти, қурилиш материаллари санаяти, парранда гўшти ва тухумни санаят усулида ишлаб чиқариш, озиқ-овқат санаяти, гўшт ва суг маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сарийғ ишлаб чиқариш, кимё-фармацевтика санаяти каби иқтисодий тармоқларига тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналарга юридик шахслардан олинган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий


инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод этилди.

Бундан ташқари, Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер (танлов) савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссиясига хорижий инвесторларнинг буюртманомалари бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг балансида бўлган паст ликвидли объектларни аниқ инвестиция мажбурияти остида инвестор билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан танлов ўтказмасдан "ноль" харид қиймати бўйича сотиш ҳуқуқи берилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга бу каби кафолатлар ва имтиёзларнинг берилиши республикада инвестицион муҳитни яхшилашга, юқори сифатли ва замонавий технологияларни жалб этишга хизмат қилади ҳамда иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Бунёд АЗИЗОВ,**  
Жиззах вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

## ● ФАОЛИЯТ



## Юксалиш йўлидаги корхона

**Мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янги корхоналарни бунёд этишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада иқтисодийнинг реал тармоғи — ишлаб чиқариш соҳаси жадал ривожланиб, ички ва ташқи бозорда юртимизда тайёрланаётган маҳсулотлар тури ва саноати кўпайиб бораётир. Айниқса йирик саноат тармоқларининг такомиллашуви юртимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

лият кўрсатган ишчи-хизматчилар фарзандларини корхона эҳтиёжи учун зарур бўлган мутахассисликда ўқитган талабаларнинг контракт тўловлари тўлаб берилмоқда.

Заводда "Мустақам оила йили" Дастури бўйича ниятда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жабҳада кўп йиллар ишлаб, нафақага чиққан ходимларнинг маънавий турмушини яхшилаш, соғломлаштириш, маданий дам олишларини ташкил этиш ишлари учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

— Корхонада ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ҳам муайян ишлар олиб бормоқдамиз, — дейди мулоқотимиз доирасида корхона директори Н.Солиев. — Жумладан, 2011-2012 йиллар давомида 65 та оилалар маънавий лойиҳалар асосида бунёд бўлаётган замонавий уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида турар-жойларнинг бошланғич суммаларини тўлаш учун имтиёзли ссудалар ажратилди.

Жабҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар кўлами кенг. Соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бар-тараф этиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида 2008 йилда ташкил этилган чорвачилик комплексида боқилаётган насли қорамоллар кўпайтирилиб, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларига ҳамда ишчиларга имтиёзли равишда сотилмоқда. Эътиборлиси, эндиликда чорвачилик комплекси ҳузуридаги 10 гектар ерда мўъжаз бог барпо этилди. Халқда етти хазинанинг бири, дея таърифланадиган паррандачиликни жорий этиш борасида ҳам корхонада амалий ишлар бошлаб юборилган. Вилоятнинг Нурота туманида барпо этилаётган 40 минг парранда боқишга мўлжалланган лойиҳа қиймати 1 922 млн. сўмлик комплекс ҳамда томчилаб суғориладиган лойиҳа қиймати 2 381 млн. сўмга тенг 100 гектарлик бог қурилиши 2013 йилнинг биринчи чорагида якунланиши мўлжалланмоқда. Хатирчи туманида эса лойиҳа қиймати 320,5 млн. сўм бўлган 2-типдаги қишлоқ врачлик пункти ва 280,7 млн. сўмга тенг бўлган маҳалла фуқаролар йиғини бизнесини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчанлик ишларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган 12 мингдан ортиқ саноатчилар бундан ҳам юқори натижаларга эришиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Юксалиш йўлидаги бу катта жамоанинг истиқболи порлоқ эканлигига шубҳа йўқ.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**  
"Millyi tiklanish" муҳбири

Натижада республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди. Ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ, асосан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда. Бунда уларнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссаси киритилган инвестициянинг умумий ҳажмига нисбатан 26,6 фоиздан кўпрогини ташкил қилмоқда.

Шу сабабли, ушбу соҳадаги ишхотларни янада жадаллаштириш, хорижий инвестор ҳамда инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кенг қўламли кафолат ва имтиёзлар бериш, юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш линияларини ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилма-

Реклама

**ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ**  
**ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!**

**AGROBANK**

"Агробанк" очик акциядорлик тижорат банки юридик шахслар учун мўлжалланган депозит сертификатларини таклиф этади. Депозит сертификатларга маблағлар 6 ойдан 14 ойгача бўлган муддатларга жойлаштирилиши мумкин, сертификатлар бўйича фоизли даромад ҳар чоракда тўлаб берилади.



**Сиз ушбу депозит сертификатларни Агробанкнинг исталган ҳудудий филиалидан сотиб олишингиз мумкин.**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28-июлдаги ПҚ-1166-сонли қарорига асосан тижорат банкларининг қийматли қарз қонунларида 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олдинан фоизли даромадлар бўйича юридик шахслар солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод этилади.

"Агробанк" очик акциядорлик тижорат банки  
100096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй  
Тел.: (8371) 150-53-66, 150-85-12  
www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## ● БИЗНИНГ ШАРҲ



## Инсоният бурчи

**МОДОМИКИ, ЕР КУРРАСИ ИНСОН ВА БОШҚА ЖОНЛИ МАВЖУДОТЛАР УЧУН ЯГОНА МАСКАН ЭКАН, САЙЁРАДАГИ ТАБИЙ МУҲИТНИНГ МУВОЗАНАТДАН ЧИҚИБ КЕТМАСЛИГИ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗГА АЙЛАНМОҒИ, ОНА ТАБИАТ КЎЗ ҚОРАЧИФИДЕК АСРАБ-АВАЙЛАНМОҒИ ДАРКОР**

*Фан ва техника тобора юксалиб, цивилизация тараққий этаётган бугунги кунда пайдо бўлаётган талай экологик муаммолар жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Чўлланиш ана шундай муаммолардан. БМТ маълумотларига қараганда, бугунги кунда дунёда чўлланиш жараёни кучайиб бормоқда. Бу тупроқ эмирилиши ва шўрланишига, яйловларнинг яроқсиз ҳолага келишига сабаб бўлмоқда. Натижада экотизим барқарорлиги ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ривожига жиддий зиён этаётир. Бугунги кунда сайёрамиз аҳолисининг бир миллиард нафардан кўпроги ана шундай экологик таҳдид хавфи остида ҳаёт кечирмоқда.*

Саҳроланиш кўплаб мамлакатлар иқтисодийта салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Бу экологик муаммонинг олдини олиш мақсадида БМТ томонидан қабул қилинган Чўлланишга қарши кураш конвенциясига бир юз тўқсонга яқин мамлакат аъзо. 1994 йилда асос солинган мазкур конвенция ерга бўлган муносабатда муҳит ва ривожланишни боғлаб турувчи ягона ҳуқуқий мажбурий халқаро келишувдир. Ушбу ҳужжатда сайёрамизнинг 41 фоизини эгаллаган ва 2 миллиарддан зиёд одам яшайдиган қургўқчи ерларга эътибор қаратилган бўлиб, бу ерларда жаҳон маданий экотизимларининг 44 фоизи жойлашган. Жаҳоннинг турли бурчақларида истеъмол қилинадиган қишлоқ ҳўжалик ўсимликларининг 30 фоизи қургўқчи жараёнларда етиштирилади. Шунга қарамай, бундай ерларнинг бешдан бир қисми 1980 йилдан бери таназзулга учраб келмоқда. Сўнгги 40 йил давомида жаҳонда ҳайдалма ерларнинг деярли учдан бири номаҳсулдор бўлиб қолган. Табиат қонунарига кўра, иқлим ўзгариши ёки ердан нотўғ-

ри фойдаланиш чўлланиш жараёнини юзага келтиради, шунингдек, табиий ўтлоқлар, лалми дехқончилик ёки сўғриш зоналарини қишлоқ ҳўжалик унумдорлигини 10 фоиз ёки ундан кўпроқ пасайиши билан чўлларга айланади. Одатда, чорва молларини ортиқча ўтлатиш ва топташи, тупроқ эрозияси, давомли қургўқчилик ва иқлим ўзгариши натижасида пайдо бўлади. Хозирги кунда чўлланиш жараёни, яъни ҳосилдор ерлар, яйловларнинг чўлга айланиши табиий ва сунъий омиллар таъсирида содир бўлмоқда. Табиий омилларга асосан қургўқчилик киради. Масалан, 1968-1974-йилларда Саҳрои Кабирнинг соҳил минтақасида фалокатли қургўқчилик оқибатида Чад кўли майдонининг 60 фоиздан ортиги, Нигер, Сенегал дёрёлари қуриб қолди, намлик етишмаслиги натижасида яйловларнинг маҳсулдорлиги кескин камайиб, чўл 100-150 километр саваннага бостириб кирди. Инсоннинг ердан нотўғри фойдаланиши оқибатида катта-катта майдонларда ҳосилдор ерлар чўлга айланмоқда. Хозирги пайтда инсон фао-

лияти таъсирида 9 миллион квадрат километр майдонда чўл ҳосил бўлган, шунингдек, ҳар йили тахминан 21 миллион гектар ер тўлиқ бузилиб чўлга айланаётган бўлса, сўғрилаётган ерларнинг 6 миллион гектар майдони чўлга айланади. Хозирги пайтда чўлланишнинг олдини олиш бўйича муносабат илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Кения давлати пойтахти Найробида чўллашишга қарши курашни мувофиқлаштирувчи ташкилот фаолият кўрсатаётгани ҳам сўзимизга мисолдир. Бугунги кунда мамлакатимизда оғир ва мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммолардан бири ҳисобланган Орол денгизи, уни қутқариш бутун инсониятнинг умумий вазифасига айланади. Чунки, 30 миллион йил давомида мажбур уриб ётган буюк кўл, табиатнинг инсонга инъоми собиқ иттифоқ даврида экологик мувозанатни менсимаслик натижасида шу ҳолатга келиб қолди. Хозирги кунда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон Орол денгизини қутқариш юзасидан бирлашиб, бу муаммони ҳал қилиш йўллари қидирмоқда. Бу борада ҳуқуматимиз томонидан олий даражадаги учрашувларда Орол муаммоси нафақат Оролбўйи давлатлари, балки бутун дунё муаммосига айланган-

ни, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртага ташламоқда. Дарҳақиқат, Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда чўлга айланиш жараёнлари тезлашиши ташвишли ҳолат. Бу фақатгина чўл худудининг ўсиб боришигагина эмас, балки биологик маҳсулдорлиги ўзгариш даражасида ҳам намоён бўлади. Чўлланиш ер сатҳи биологик маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади ва оқибатда аҳоли учун экологик ноқулайликларнинг келиб чиқиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари насли бузилишига сабаб бўлади. Сўнгги йилларда Марказий Осиёда янги чўллар майдони деярли 100 минг км.кв.даражада бундан ўн беш йил аввал ташкил этилган Ботаника боғи илмий жамоаси ҳам бу жараёнда амалга оширилаётган илмий-техник ва инновацион дастурларда фаол иштирок этмоқда. Қирқ гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган ушбу боғда бугунги кунда маҳаллий шароитга мослаштирилган юздан зиёд манзарали ўсимлик турлари етиштирилиб, воҳанинг турли худудларига тарқатилмоқда.

БМТ муаммога ўз вақтида эътибор қаратган бўлса-да, сўздан амалга ўтилиши учун анча йиллар керак бўлди. Биринчи минг йилликнинг сўнгги асрларида саноат, илм-фанда юз берган улкан ўзгаришлар, жадал тараққиётдан эсанкираб қолган одамзот табиат ҳам жонли экани, олмақнинг бермоғи борлигини унутди, шекилли. Утган давр мобайнида табиий ресурслардан ҳўжасизларча фойдаланилиб, бошқача айтганда, сув, ҳайвонот ва наботот дунёси инсоният манфаатига беаёв «хизмат» қилдирилди. Миллионлаб йиллар давомида ўз қонуниятлари билан яшаб келган табиат одамнинг аралашуви билан қисқа вақтда ҳалокат ёқасига келиб қолди. Оқибатда янги мингйилликда дунё мамлакатлари экологик тангликни очик-ошқорча эътироф эта бошлашди. Шу босис халқаро ҳамжамият томонидан инсониятнинг ёруғ истиқболи учун экологик барқарорликни таъминлаш асосий гаровлардан бири эканлиги қайд этилди. Бошқача айтганда, яқин ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш айна кунда барчанинг гарданига тушган. Зеро, Ер курраси инсон ва бошқа жонли мавжудотлар учун ягона нажот экан, сайёрадаги табиий муҳитнинг мувозанатдан чиқиб кетмаслиги ҳар бир одамнинг муносиб бурчига айланиши, она табиатни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш даркор.

Гулида АБДУЛЛАЕВА

- **Об-ҳаво исиб кетишининг ерга салбий таъсири тобора ортиб бораётир. Кўпчилик экспертларнинг фикрича, Ер шарида иқлим ўзгаришининг асосий сабабларидан бири атмосферага бугўна газлари чиқиндиларининг чиқарилишидир. Бу газларнинг ҳажми 1970 йилдан буён 70 фоизга кўпайди.**
- **Чўлланиш маълум даражада ижтимоий-иқтисодий кескинликка ҳам сабаб бўлади, яъни чорвачиликда маҳсулдорлиқнинг камайишига ва касалликлар келиб чиқшининг ўсишига олиб келади. Чўлланишнинг асосий сабаби - сувдан нотўғри фойдаланиш ва маълум даражада иқлимнинг ўзгариши сабабли худудларда сув режимининг бузилишидир.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Уларни жазолаб бўлмайд

**Эндиликда АҚШ Олий суди вояга етмаган жиноятчиларга нисбатан бир умрлик қамоқ жазосини қўлламайдиган бўлди.**

Мутахассисларнинг фикрича, вояга етмаганларни катта ёшдаги қамоқ жазолаб бўлмайд. Ҳукм чиқараётганда жиноятчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятлари эътиборга олиниши лозим. Шунга қарамай, судлар томонидан вояга етмаганларга айрим ҳолатларда истисно тарзда бир умрлик қамоқ жазоси берилиши мумкин. Маълумотларга кўра, ҳозир АҚШда жиноятга қўл уриб, умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилган вояга етмаган маҳбуслар сони 2,5 мингдан ортиқ.



## Сўнгги 20 йилда

**ЮНИСЕФ тарқатган маълумотларга қараганда, сўнгги 20 йил давомида дунёда беш ёшдан кичик бўлган болалар ўлими сезиларли даражада камайган.**

Утган йил дунёда ҳар кун беш ёшдан кичик бўлган ўн тўққиз минг бола вафот этган. Йил давомида бу рақам 6,9 миллионга етган. Бундай ҳолатлар кўпроқ Ҳиндистон, Нигерия, Конго ва Покистон каби мамлакатларда кузатилади. Бунга зотилжам, ичбуруғ, безгақ каби касалликлар, туғруқ билан боғлиқ асоратлар сабаб бўлган. 1990 йилда сайёрамиз бўйлаб беш ёшдан кичик бўлган болалар ўлими 12 миллион нафарни ташкил этган. ЮНИСЕФ мутахассисларининг сўзларига кўра, дунё мамлакатлари томонидан чақалоқларни кўкрак сути билан боқилаётгани, болаларни юқумли касалликларга қарши эмланаётгани бевақў ўлимнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.



## Мақсад харажатларни тежаш

**Нидерландиянинг электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Philips" компанияси 2200 нафар ходимни ишдан бўшатишга қарор қилган.**

Компания шу йўл билан уч юз миллион евро миқдорда маблағни тежаш ва 2014 йилгача 1,1 миллиард АҚШ долларлик харажатларни қисқартиришни ниятда. "Philips" 2011 йили 1,3 миллиард евро миқдорда молиявий зарар кўрган. Айни вақтда мазкур компания дунё мамлакатларида 122 минг нафар ишчи ходимига эга.




Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

## ● РАНГИН ДУНЁ

# Муҳаббатга қўйилган ёдгорлик

дан муҳофаза қилиш мақсадида Мавсол Карий тарихидаги энг кучли армияни тузишга эришади. Бу мамлакатнинг Форс империясидан амалда мустақил бўлишига имкон берди. Армияни таъминлаш учун албатта давлат хазинаси доим тўла бўлиши лозим. Шунинг назарда тутиб, ҳоким турли ўлпонлар жорий қилиб, Карий халқини ойма-ой ўлпон тўлашга мажбур қилган. Геродотнинг ёзишича, Мавсол даврида халқ соч солиғигача тўлаган экан.

Мамлакат пойтахти Осиё ва Европани боғлаб турувчи савдо йўлида жойлашгани боис галикарнасликлар қашшоқлик нималигини билишмаган. Қисқа вақт ичида шаҳаншоҳ газнаси мисли кўрилмаган даражада бойликка тўлди. Шунда шох ўзи ва хотини Артемисиянинг муҳаббатларини ифода этувчи мақбара қурдиришга аҳд қилади. Агар давр нуқтаи назаридан эътибор берадиган бўлсак, Мавсол қурдирган мақбара Геродотнинг "Тарих" китобидаги етти мўъжизалар орасидан жой олган Артемидда ибодатхонасидан кейин қурилганини кўриш мумкин. Аҳамиятлиси шундаки,



ҳар иккала бино ҳам Кичик Осиёда муҳаббат тимсоли сифатида бунёд этилган.

Гўзаллик ва муҳаббат маъбудаси Артемидда агаб қурилган ибодатхона меъморлари шох Мавсол томонидан ёлланган, Галикарнас мақбараси қурилиши ва беағида ҳам иштирок этишган. Элладалик тарихчи Геродот ўз мамлакатининг

гўзал биноларини бошқа халқларникидан устун қўйгани табиий. Бироқ ўзида тўла шарқона меъморчилик услубларини жамлаган Галикарнас мақбараси гўзаллиги олдида у ҳам тан берган. Мақбара ўша даврда урф бўлган форс меъморчилик услубига хос пойдевор устида қад кўтарган. Маълумотларга қараганда, мақбара қурилиши

Мавсол туғилмасидан анча олдин бошланган. Бироқ рим ва юнон тарихчилари Галикарнас мақбарасини қуришда шаҳсан шохнинг ўзи бошқўш бўлганлигини қайд этиб ўтганлар. Қарийб олти метр баландликдаги мақбара уч қаватдан иборат бўлган. Квадрат шаклидаги бинонинг биринчи қаватида шаҳсан Мавсол ва Артемидда учун аталган сағана жойлашган. Сағана жойлашган мақбара қаватининг умумий майдони 5000 квадрат метрни, баландлиги эса 20 метрни ташкил қилган. Мақбаранинг бўксимитўлалигича оқ мрамардан бўлиб, факат шифтдагина юнионистонлик машҳур меъмор Скопаснинг ижод маҳсули акс этган. Ҳозиргача турли ривоятларга сабаб бўлиб келаётган қават шифтидаги тасвирларда эллинларнинг жангчи аёли - амазонкалар билан жанги ҳақидаги афсона "Амазонмаҳши" ўйиб тусирилган. Римлик тарихчи Плинийдан қолган маълумотларга кўра, мақбара қурилишида Скопасдан ташқари Леохар, Бриаксид ва Тимофей каби Пелопоннеснинг машҳур меъморлари ҳам иштирок этишди. Ҳудди шу тарихий шахслар Александр Македонский даврида

ҳам салтанатнинг бунёдкорлик ишларида фаол қатнашганлар. Баҳайбат устунлар билан ўралган иккинчи қаватда эса қурбонлик майдони бўлган. Бу ерда маҳаллий аҳоли ва аслзодалар маъбуд ва маъбудаларига агаб қурбонликлар қилишган. Мақбаранинг учинчи қаватида мрамар эҳром жойлашган бўлиб, унинг оғзида қишлоқнинг бири неча чақирим наридан ҳам кўринган. Аслида бу эҳром шох Мавсол ва хотини Артемисиянинг тўрт отли аравадаги ҳайкалларини кўтариб туришга хизмат қилган. Ҳайкалларда галаба тантанаси акс эттирилганга ўхшайди. Чунки кўпчилик тарихчилар арава суворийларининг (шоҳ ва хотини) жангдан қайтаётгандаги мағрур турган ҳолатини тасвирлашган.

Мақбара ҳайбатли шер ва уч қур отлар қиёфасидаги ҳайкаллар билан ўралган. Бино Галикарнасининг энг сўлим жойида бог-роғлар орасида жойлашган. Ҳайратанарлиси, Мавсол сағанаси ёки Галикарнас мақбараси ўн саккиз аср мобайнида қад кўтариб турган. Ўн олтинчи аср бошларидаги зилзила туфайли Бодрумдаги бу қайиғиб меъморий обида катта талофат кўради. Аслида оддий зилзилалар шундай қудратли бинони авлодлар ёдидан кўтарилиш даражасида қунлақун қилмайд. Ўша пайтдаги жангчилар ҳарбий истеҳкомлар барпо этиш учун ай-

нан Галикарнас мақбарасининг тошларидан фойдаланиши натижасида йўқ бўлиб кетган. Қолаверса, муҳаббатга агаб қурилган мақбара қолдиқларидан маҳаллий дехқонлар уй деворларини қўтаришда ҳам фойдаланишган. Ўн саккизинчи асрда баъзи инглиз тарихчи олимлари Мавсол сағанасидан топишган айрим ҳайкал бўлақларини Лондондаги Британия музейига олиб кетишган. Топиш имкони бўлган қолдиқлар эса Истанбулдаги тарих музейида сақланаётир.

Шох Мавсол нега бу мақбарани айнан хотини учун қурдириди? Ваҳоланки, ўша пайтда сағана аталган муҳаббатга агаб қурилган мақбара қолдиқларидан маҳаллий дехқонлар уй деворларини қўтаришда ҳам фойдаланишган. Ўн саккизинчи асрда баъзи инглиз тарихчи олимлари Мавсол сағанасидан топишган айрим ҳайкал бўлақларини Лондондаги Британия музейига олиб кетишган. Топиш имкони бўлган қолдиқлар эса Истанбулдаги тарих музейида сақланаётир.

Зафар МУҲАММАД

**Барча даврларда садоқат, севги ва улуғворлик рамзи бўлган қадимги иншоотлар ҳали-ҳануз инсониятни ҳайратга солиб келади. Галикарнас мақбарасининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Бундан икки ярим минг йил илгари яшаган Карий ҳукмдори Мавсол хотини Артемисияга бўлган ишқини минг йиллар давомида гўзаллиги билан авлодларни лол қолдиргувчи мақбара тимсолида абадийлаштирмоқчи бўлди.**

Карий мамлақати маълум вақт Форс империяси таркибидagi сатрапликлардан бири бўлган. Унинг пойтахти — Галикарнас (ҳозирги Туркиянинг Бодрум шаҳри) шаҳридир. Миллоддан аввалги 377 йили шохлик тизгини Мавсолга отасидан мерос қолди. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, шох Мавсол ўта қаттиққўл ва бераҳм бўлган. Унинг даврида оддий фуқароганисбатан шафқатсизлик авж олган. Давлатни кўчманчи босқинчилар-

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Он-лайн мулоқот

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида “Ўзбек фильмларида оила мавзуси: талқин ва таҳлил” мавзусида онлайн мулоқот бўлиб ўтди.

Санъат ва маданият институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда таниқли режиссёр ва актёрлар иштирок этди. Мулоқотда энг оммавий санъат тури ҳисобланган кино санъатига қаратилган эътибор, соҳанинг халқ маънавиятини юксалтириш ҳамда миллий кадрларимизни дунёга танитишга қўшаётган ҳиссаси, юртимизда ташкил этилаётган халқаро нуфузли кино ва санъат анжуманларининг нафақат соҳа вакиллари ижодига, шу билан бирга жамият ҳаётига таъсири беқиёс экани таъкидланди. Уч соат давом этган мулоқот меҳмонлари Ҳаракат сайти ҳамда иктомий тармоқлар орқали берилган юздан зиёд саволларга батафсил жавоб беришди.

Соғлом оила — соғлом жамият

Самарқанд вилояти Пайарик туман Баркамол авлод марказида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши томонидан умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида “Менинг оилам” мавзусида расмлар танлови бўлиб ўтди. Унда 1, 3, 4, 6, 67, 88-умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Танлов ёшларни миллатимиз миллий қадриятларига ҳурмат ва садқот руҳида тарбиялаш, оила саломатлиги, оналар ва болаларни муҳофаза қилиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли зарарли иллатларга қарши курашишда оиланинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, баркамол авлоднинг тарбиялашда оиланинг ролини кучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли бўлди. Ҳақиқатан ҳам маданиятнинг туман кенгаши томонидан тайёрланган савгалар билан тақдирланди.

Очиқ эшиклар кун

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси томонидан шаҳардаги барча таълим муассасаларида “Ораста қиз жамият, миллат таянчи” мавзусида очик эшиклар кунини ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, “Очиқ эшиклар кун” жисмонан соғлом ва маънан етук, ҳар томонлама ривожланган баркамол авлоднинг тарбиялаш мақсадида ташкил этилди. Хусусан, вояга етмаган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, қизларнинг эрта турмушга чиқиш ҳолатлари, демократик жамият қурилишида аёлларнинг роли ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу борадаги амалий ишларни янада жонлантириш каби масалалар кўриб чиқилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, энди Тошкент шаҳридаги барча мактабларда ҳафтанинг ҳар жума кунини “Очиқ эшиклар кун” деб белгиланди.

Тарбия — муҳим масала

Пойтахтимизда “Ёшларнинг маънавий оламини бойитишда адабиёт ва санъатнинг ўрни” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда Халқ таълими тизими ходимлари, ёш мутахассислар ва фахрийлар, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИХ, Маънавият тарғибот маркази вакиллари ҳамда Тошкент шаҳар имом хатиби иштирок этди. Тадбирда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама билимли, юксак маънавиятли, мустаҳкам иродали эътиб тарбиялаш, таълим муассасаларида ички назоратни кучайтириш, ўқувчилар ўртасида турли жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган кўлаб тадбирлар ташкил қилинаётганлиги, бу борада оила, маҳалла, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик ҳамкорлигидан самарали фойдаланилаётганлиги таъкидланди. “Туркистон-пресс”

КЎЗГУ

САНЪАТ



Эзгуликка чорлаган фотобиеннале

Art Week Style.uz-2012 анъанавий санъат ҳафталиги эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Айниқса, ҳафталик доирасида ўтказилган VI Тошкент халқаро фотобиеннале ҳақиқатда ёрқин ранглар ила томошабинни ўзига ром айлади. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида юртимиз ҳамда жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган ижодкорларнинг фотобиеннале учун танлаб олинган энг сара асарлари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

ган техник ва бадий жиҳатдан маҳорат билан ишланган фотосарларда биз ижтимоий ҳаётнинг турли қирраларини, мураккаб глобаллашув замонидаги ҳаёт фалсафасини, зиддиятлар, ўзига хос шароитларда акс этган инсонлар тақдирини, атроф-муҳит ўзгаришлари, инсонларнинг ички дунёси, турли руҳий ҳолатлар кишини мулоҳаза қилишга ундайди, ўзлигини англашга ёрдам беради. Уларда биз ўз услубига эга ижодкорнинг ён-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга теран нигоҳ билан назар ташлаганини кўраимиз. Табиатга, борлиққа шукроналик, меҳр кўплаб фотосуратларда ўз аксини толган. Хусусан, экспозицияга қўйилган япониялик машҳур фотографларнинг табиатга бағишланган асарларида ажиб уйғунликни, олам гўзаллиги, миллий ва умумбашарий қадриятлар акс этганини кўриш мумкин. Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида қўйилган, ўзига хос услубда яратилган, муҳим эстетик ва хотиравий хусусиятга эга “Шажара: хотира новдаси” кўргазмаси ҳам синчков томошабинни бефарқ қолдирмади. Экспонатлар ёнидаги давра сўхбатларида унинг маънавий аҳамияти, ҳар бир инсон ўзининг аждодларини билиши керак, деган фикр ўртага ташланди. Хулоса қилиб айтганда, бундай кўргазмалар бизга нафақат ҳаққоний тарихимизни яратилган, балки баркамол авлоднинг вояга етишига ҳам хизмат қилади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

МУЗЕЙДА

Ноёб кушлар ошёни



Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи вилоятимизда ҳайвонот боғлари бўлмаганлиги боис болаларнинг сеvimли масканга айланб қолди. Гўшада турли хил тадбирлар, байрам саналари муносабати билан учрашувлар, қизиқарли кечалар, семинар кўргазмалар, очик дарслар ўтказиш анъана тусини олган.

жонлар кўнглини кўтаради. Айниқса, музейнинг ҳайвонот дунёси ёки табиат бўлимида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган, дидеримизда маълум вақт яшайдиган ва учиб кетадиган кушлар тўғрисида етарлича маълумотлар берилган. Музей захира фондида сақланаётган ва залларга қўйилган барча экспонатлар зоология системасига мувофиқ жойлаштирилган. Масалан, фламинго (қизил гоз) ни оилайки. Ўзига яраша жуда чиройли бу қушнинг оёқлари узун, бўйни чўзиқ ва катта, тумшуги эгилган бўлиши билан бошқа кушлардан фарқ қилади. Патларининг ранги асосан оқ, вояга етган кушларники пушти рангда товланади. Ўзбекистонда уни кушларнинг кўзига бахорда учиб ўтиш даврида кўриш мумкин. Фламинголар кўпинча Марказий Қозоғистоннинг қўларидан учиб ўтади ва Каспий денгизи қирғоқлари оралайди. Фламинго камдан-кам учрайдиган қуш бўлгани учун

ҳам Қизил китобга киритилган. Музей экспозицияларидан ўрин олган яна бир қуш жингалакли бирқозондир. Жингалакли бирқозон — Марказий Осиёдаги йирик қушлардан бири саналади. Унинг оғирлиги 10 килограммга, қанотининг кенглиги ёзган пайтида 2 метргача етади. Бу қуш кўринишдан оппоқ, фақат қанотларининг учи қорин тусида бўлади. Катта қушларнинг бўйин қисми ва гардандаги патлари жингалак бўлиб, ёл ҳосил қилади. Юртимизда жингалакли бирқозон Амударё дельтасида уя қуради, бошқа жойларда эса қушлар учиб ўтиш даврида учрайди. Бундай қушлар кўпинча (қатор-қатор бўлиб) ёнма-ён яшашади. Асосан катта қўлардаги қамишзорлар орасига уя қуради. Уясига 2-5 тадан йирик тухум қўяди. Тухумдан очиб чиққан жўжалари патсиз ва ҳаракатсиз бўлади. Улар 2,5 ойгача уядан чиқмайди. Бирқозон баллиқлар билан озиқланади. Оққуш-кликун — асосан ўлкамизнинг шимолий ҳудудларида уя қуради. Лекин жануброқда, жумладан, Балхаш кўлида ва Каспий денгизининг шимолий қирғоқларида ҳам уя қуриши мумкин. Айрим ҳолларда Ўзбекистонда қишлоб қоладиган оққуш-кликун чеккалари қамишзор бўлган очик қўларда, Орол денгизининг жанубий қирғоқларида ва Амударё дельтасида яшайди. Сувда ўтирганда қанотларини орқасига жипслаштириб, бўйинини одатда, тўри тумшуги билан, бошини горизонтал тутиш орқали бошқа қушлардан фарқ қилади. Учайтганда кўпинча кучли овоз чиқариб учайди. Қизил китобга киритилган оққанот қизилиштон музейимиздан жой олган ноёб қушлар сирасига қиради. Ўрмоннинг

типик қуши ҳисобланган оққанот қизилиштон ўткир илмоқсимон панжа ва қаттиқ думи билан дарахтдан дарахтга тирақчи қиқш хусусиятига эга. Тумшуги ҳам ўткир ва учли бўлиб, унинг ёрдамида дарахтлар танасини тешади. Ўзбекистонда деярли ҳамма жойида: дарахтзорлар, тоғ ўрмонлари, тўқайзор ҳамда боғларда учрайди. Оққанот қизилиштон ҳар йили жуфтлашиш даврида катта дарахтлар танасини теша бошлайди. Мавсум давомида 3-4 тагача бола очади. Ҳашоратлар ва дарахт танасидидаги зараркунандалар билан озиқланади, уларнинг дарахтлар пўстлоғи остидан ва чириган дарахтлар танасидан қиқариб олади. Шу боис, оққанот қизилиштон ўрмоннинг энг фойдалу қушлари қаторига қиради.

Музейда сақланаётган яна бир экспонат қуш — сассиклопишак ўзининг узун тумшуги пастга эгилганлиги ва кокили борлиги билан бошқалардан фарқ қилади. Сассиклопишак безовталанса, кўпинча кокил патларини хурлайтириб, бошини тароқсимон кўриниш ҳосил қилади. Деярли ҳамма ерда — жарлик, ёриқ ва коваклар, бино томининг остига ҳам уя қуради. Уяси ниҳоятда оддий. Баъзан сассиклопишак тўппа-тўғри ерда тухум очиб кетаверади. Тухумдан чиққан болалари ҳали патлари тўлиқ шакланмай туриб, уядан чиққанча озиқ сўраб чийиллайди. Сассиклопишак кўп бола очади, шунинг учун болаларига озиқ тополмай қийналади ва улар доимо оч ҳолда бўлади. Сассиклопишак курт ва личинкаларини ейди ва бу билан қишлоқ хўжалигига катта фойда келтиради. Юқорида таърифи келтирилган қушлар кейинги пайтларда борган сари камайиб кетапти. Шу боис, улар ноёб қушлар сифатида Қизил китобга киритилган. Табиатни асраш эса сизу биздан лозим. Керак бўлса, бу ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ

Чин дўстлик

Бир кишига эйбатчилари қовун келтиришди. У ёнига сирдош-кўнглидоши, содиқ хизматкори Луқмонни чақирди ва қовундан бир тилим кесиб, узатди. Луқмон уни шундай роҳат билан едики, кўрган одамнинг иштаҳаси очилиб кетиши табиий эди. Узатилган иккинчи тилимни ҳам худди шундай еганини кўргач, хўжайин ҳам ўзига қовун кесди. Аммо оғзига олар-олмас тупуриб ташлади. — Эй, Луқмон, — деди хўжайин. — Бундай захарни қандай қилиб бол каби ея олдинг? Бундай қарҳни нима сабабдан лутф ўрнида қабул этдинг? Бирор нима десанг, бўларди-ку? Ҳеч курса, маъзур тутинг, еёлмайман, дейиш шунча қийинми? Луқмон жавоб берди: — Мен сизнинг қўлингиздан шунча кўп ширин нарсалар едим, моддий ва маънавий озуқа олдимки, буларнинг эвазини ўтай олмаслигимни ўйлаб, хузурингизда хижолатман. Шундай бўлгач, қўларингиз билан берган нарсани қандай қилиб: «Аччиқ экан, еёлмайман», дейман? Сиз нимаики берсангиз, хушнудлик билан қабул қиламан! Сиздан етган бирор азиятдан шикоят қилсам, бошимга тупроқ сочилсин. Лутфкор қўлингиз тотини бир қовуннинг аччиқлиги қандай кетказсин?

БИЛАСИЗМИ?

Организмдаги сув 5 фоизга камайса киши бехуш бўлади. 10 фоиз камайганда ўлим ҳолати юз беради.


Иккинчи минг йиллик бошида (1000 йилда) Ер шари аҳолиси 400 миллион кишини ташкил қилган. Охирида эса (1999 йилда) 6 миллиарддан ошган.

ТУРФА ОЛАМ

Машинкали планшет ШОТЛАНДИЯЛИК ТАЛАБА ЎЗИ КАШФ ЭТГАН ЗАМОНАВИЙ ПЛАНШЕТГА МАШИНКА ТУГМАЧАЛАРИНИ ЎРНАТДИ.

Машинкали планшет

Замонавий планшетларда катта ҳажмдаги матнларни териш анча ноқулай экани ҳеч кимга сир эмас. Остин Ян ўйлаб топган машинкали планшет эса бу ишни анча осонлаштиради. Энди планшетга уланган машинка тугмачалари ёрдамида терилган ҳар бир ҳарф тўппа-тўғри сенсор экранда пайдо бўлади. Ҳақиқатан ҳам муаллифларнинг фикрича, матнни машинкада териб ўрганган катта ёшдаги инсонлар орасида машинкали планшет катта шукрат қозонади. Албатта, янги Ҳолландия компанияси томонидан қўллаб-қувватлангудек бўлса, тез орада машинкали планшет пештахталар юзини кўради.



Дунёдаги энг узун уй

ВОЛГОГРАДДАГИ ТУРАР-ЖОЙ БИНОСИНИНГ УЗУНЛИГИ 1400 МЕТР БЎЛИБ, 1140 ХОНАДОНДАН ИБОРАТ.

Маҳаллий халқ орасида ушбу уй “аччиқ ичак” ёхуд “хитой девори” деб ҳам аталади. Тўққиз қаватли уй ўтган асрнинг 1975-1979 йилларида қурилган. Уй ниҳоятда узун бўлгани боис, хонадон аҳлларининг манзили икки кўча ва тўққизтага ажратилган уй рақамлари орқали берилган. Энг қизиғи, шу пайтгача бундай уйнинг борлиги ҳақида кўпчилик билмаган ҳам. Бу ишга мутахассислар киришган, уй Венадаги турар-жой биносидан (1100 м.) 300 метр узун экани аниқланди ва волгоградликлар бу борадаги рекордни янгилашга муваффақ бўлишди.



Қимматбаҳо либос

“THE CHENNAI SILKS” (ҲИНДИСТОН) КОМПАНИЯСИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ИПАК ВА ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛ ИПЛАР ЁРДАМИДА МАТО ТЎКИДИ.

Мазкур қимматбаҳо “сари” матоси олтин, платина ва қумуш иплардан тўқилган бўлиб, унга олмос, ёқут, сарик сапфир, зумрад ва “мушук кўзи” номини олган қимматбаҳо тошлар, марварид ва маржонлар билан безак берилган. Салкам етти ой давомида тўқилган қимматбаҳо “сари” учун компания анча-мунча маблағ ва куч сарфлагани аниқ. Маблумотларга кўра, мазкур либосни тўқиш учун ўттиздан зиёд тикувчи жалб қилинган.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ишга таклиф

Тошкент шаҳар «Махсустрэнс» ишлаб чиқариш бошқармаси туман автокорхоналарининг чиқинди ташувчи махсус автотранспорт воситалари учун 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган ҳайдовчи ҳамда юк ортувчиларни ишга таклиф этади. Иш шариоити сменали. Ҳафта ойлук маош ҳайдовчилар учун 800 000 сўм, юк ортувчилар учун 700 000 сўмни ташкил этади. Шунингдек, «Махсустрэнс» ишлаб чиқариш бошқармаси бошқарма автокорхоналарига аҳоли билан ишлаш бўйича назоратчи вазифасига ҳам ишга таклиф этади. Ойлик маош: мукофотли-ишбай.

Маълумот учун телефонлар: 247-45-56, 247-25-99, 247-02-11, 247-06-70 Манзил: Учтепа тумани, Бекобод Саноат зонаси